

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда бу йўналишдаги ишларни қуйида тўғри ташкил қилиш, маҳаллама-маҳалла юриб, янги ташаббусларни топиб, одамлар ҳаётини яхшилашга масъул бўлган вилоят, туман ҳокимлари ҳамда улар ходимларининг моддий ва техник имкониятлари тубдан яхшиланди.

Жорий йил бошидан ишсизлик 4,9 фоизга тушди (ўтган йили 5,5 фоиз бўлган). Айниқса, Бухоро, Когон, Навоий, Зарафшон, Ғозгон, Самарқанд, Ширин шаҳарларида ишсизлик 4 фоиздан пасайиб, илк бор “табiiий ишсизлик” даражасига яқинлашди.

Эҳтиёжманд 302 минг оила камбағалликдан чиқди. Йил якунигача камбағаллик даражаси 6 фоизгача камайиши кутилмоқда (ўтган йили 8,9 фоиз бўлган).

Шароити оғир бўлган Ховос, Мирзабод, Оқолтин, Дўстлик, Пахтакор, Фориш, Бўстон, Вобекан, Миришкор, Мингбулоқ, Ўзун ва Пискентда камбағал оилаларнинг сони 4,5 баробаргача камайди. Илгари қийин аҳволда бўлган 105 минг оила даромад кўришини бошлади.

Жорий йилда илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди.

Шу билан бирга, айрим туманларнинг ҳокимлари катта ресурси ва маблағи бўла туриб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани, одамларга имкониятга яраша тайёр лойиҳа бермагани танқид қилинди.

Шу боис, Денов тумани ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари, Чироқчи тумани ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари ишдан олиниши, яна 20 та туман ҳокимига ўрнатилган тартибда тегишли чора қўрилиши белгиланди.

Умуман, камбағалликни қисқартириш ва бандлик режаларини бажаришдаги масъулиятсизлик учун йил бошидан 261 нафар масъул ишдан олингани, яна 492 нафарига интизомий жазо берилгани маълум қилинди.

Келгуси йилда камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоиздан камайитириш мутасаддиларнинг асосий вазифаси бўлиши қайд этилди. Бунинг учун келгуси йилда иқтисодиётга 450 триллион сўм кредит ажратилиши, 140 триллион сўми маҳалладаги кичик ва ўрта лойиҳалар учун берилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларни ташкил қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Биринчиси — қурилиш орқали аҳолини ишли ва даромадли қилиш.

Келгуси йилда мамлакатимизда 675 триллион сўмлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Шундан 380 триллион сўми қурилиш ишларига тўғри келади. 140 минг хонадонли кўп қаватли уй-жой қуриш мақсад қилинган.

Ҳар бир ҳоким бундан самарали фойдаланиб, қурилиш соҳасининг ўзидан камиди 20-25 минг яратилган инфратузилма орқали 10 минг кишини бандлигини таъминлаши мумкинлиги қайд этилди.

Энг катта янгиллик — 2026 йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм вилоятларнинг ўзига берилади.

Иккинчи йўналиш — сервис лойиҳаларини кўпайтириб, аҳоли бандлигини таъминлаш.

Мамлакатимизда энг юқори ўсиш суръатини таъминлаётган соҳа хизматлар соҳаси экани таъкидланди. Лекин вилоят, туман ҳокимлари хизматлар соҳасига катта суръат бераётган туризмни ривожлантириш орқали иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини кўпайтириш имкониятларини тўлиқ ишга солимаётгани кўрсатиб ўтилди.

Туризм салоҳияти юқори 150 та маҳалланинг инфратузилмаси яхшиланса, бу ерларда хизматлар ҳажмини 10 триллион сўмга етказиш, 45 минг нафар одамни савдо ва сервисда банд қилиш мумкин.

Шу боис, келаси йилда 150 та маҳалланинг ҳар бирига инфратузилма учун 3-5 миллиард сўмдан берилади. Туман банклари бу жойларда меҳмон уйлари барпо этиш учун 150 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратиши йўлга қўйди.

Чегара ва анклав ҳудудлардаги маҳаллаларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаб, у ерда меҳмон уйлари, дам олиш маскани, савдо-сервис объектилари ташкил қилиш орқали оилаларнинг даромадини кўпайтириш мумкинлиги таъкидланди. Ўшбу маҳаллаларда дам олиш ва сервис объектиларини қуриш лойиҳалари учун 1 триллион сўм ресурс ажратиш топширилди.

Бундан ташқари, соҳил ва йўл бўйида сервисни ривожлантириш бўйича 500 та маҳалла танлаб олинган. Туман банклари бу жойларда камиди 5 та доимий иш ўрни яратадиган лойиҳаларга 1 миллиард сўмгача кредит бериши йўлга қўйди.

Шу йилнинг ўзига 255 та туну кун ишлайдиган кўча ишга тушди. Уларда 11 минг хизмат кўрсатиш объектилари иш бошлади, 27 мингта яқин аҳолининг бандлиги таъминланди. Келгуси йилда бунга қўшимча яна 200 та шундай кўчани ташкил қилиш режалаштирилган.

Бир ойда аниқ “йўл харитаси”ни тузиб, ишни бошлаб юборган ҳокимларга ҳар бир кўча инфратузилмаси учун 4 миллиард сўмгача маблағ ажратилиши белгиланди.

Овқатланиш, савдо ва сервис соҳасида ўзининг брендини яратган корхоналар бутун республика бўйлаб 100-150 тадан филиалини очиш ниятида.

Бу борада вилоят ҳокимликларига миллий брендларга кўмаклашиш топширилди. Агар брендлар янги очиладиган филиал учун ходимларни ўзим ўқитаман, деса, бунинг харажати Бандлик жамғармасидан қоплаб берилади. Филиалини кўпайтириш истагидаги брендлар учун янги молиявий инструментлар жорий қилиниб, 2026 йилда бунга 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Учинчи йўналиш — саноат лойиҳалари орқали доимий иш ўринларини кўпайтириш.

Келгуси йилда ҳудудлардаги корхоналарда 52 миллиард долларлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш режа қилинган. Мутасаддилар маҳаллий саноат тармоқларида 22 миллиард долларлик 3,5 мингта лойиҳани ишга тушириб, 130 минг доимий иш ўрни ташкил қилиши зарурлиги қайд этилди.

Тараққиёт йўли

БОРЛИҚ МЕҲРЛИ ОНГ БИЛАН, ИНСОНИЯТ РУҲИ ТАБИАТ БИЛАН ТИРИК

Бугун атроф-муҳит меҳрга, эътиборга жуда-жуда муҳтож. Табиат билан тиллашиб деган қараш бор. Аммо инсоният узок йиллар тириклик неъматлари билан ҳисоблашмади, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, ўртадаги мувозанатни таъминлашга эътибор бермади.



Оқибат кўз ўнгимизда. Йўқ-йўқ, фақат кўз ўнгимизда эмас, ўзимиз, фарзандларимиз, невараларимиз жисмидаги дардларда, демак, танимиздаги оғриқларда намоен бўлмоқда.

Гап исботи билан. Экологиядаги салбий ўзгаришлар сабаб касалликлар ёшариб бормоқда. Биргина суяк емирилиши ёки онкологик касалликларни олайлик. Мутахассислар айтишича, бу каби касалликлар авваллари 50-60 ёшдан кейин кузатилган. Ҳозир 18 ёшли йигитда суяк емирилиши бошланганини кўп эшитиб қоламиз...

Тоғлардаги булоқлар қуриб борапти. Дарёлар суви тортилган. Тоза ҳаводан нафас олиш ҳам муаммога айланмоқда. Абодий музликлар кўз ўнгимизда эриётганига нима дейсиз?!

Гапирсак гап кўп. Бугун инсоният олдида эса битта савол қўндаланг турибди: атроф-муҳит ифлосланишини, табиатни қандай асраб қоламиз?

Ҳозир бутун дунё шу аччиқ савол қаршида лолу ҳайрон. Тўғри, фаол ва жиддий ҳаракатлар бўляпти. Аммо қайта тикланиш,

Давоми 2-бетда

МУЛОҚОТ ФОРМАТИДАН СТРАТЕГИК ИНТЕГРАЦИЯ САРИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН МИНТАҚАМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИК МАКОНИГА АЙЛАНМОҚДА



Марказий Осиё минтақаси жаҳон сиёсати ва геоиқтисодийётида тобора муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда. 2018 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақавий интеграциянинг институционал асоси, қардош халқларнинг ўзаро ишончи, ҳамжиҳатлиги ва стратегик шериклигининг мустаҳкам пойдевори сифатида эътироф этилмоқда.

2025 йил 15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ҳамда Президентимизнинг саммитдаги нутқи минтақавий сиёсатдаги тамойиллар, мақсад ва истиқболларни яна бир бор аниқ белгилаб бергани билан аҳамиятли бўлди.

Шу билан бирга, мазкур саммитда тарихий воқеага — Озарбайжон Республикасининг мазкур форматта тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилганига гувоҳ бўлдик. Бу нафақат Марказий Осиёнинг, балки кенг Евроосиё минтақасидаги интеграция жараёнларининг янги bosқичга ўтаётганини кўрсатмоқда.


Давоми 3-бетда

ОТБ Президенти: ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛИ РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАМИЗГА ТўЛИҚ МОС КЕЛАДИ

Ўзбекистонга Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Ташриф доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашув ўтказилди, унда ОТБ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Масато Канда “Дунё” ахборот агентлиги муҳбирига эксклюзив интервью бериб, Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган ўзгаришлар суръатини юқори баҳолади.

Давоми 2-бетда



“КЕЛАЖАК МЕРОСИ” МУКОФОТИ

ИШОНЧ ВА БИРДАМЛИКНИНГ ЯНА БИР ДАЛИЛИ



Муносабат

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви минтақанинг сифат жиҳатидан янги, минтақавий ҳамкорлик форматидаги ўтишини белгилаб берган тарихий воқеалик бўлди. Ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилган мазкур саммит доирасида мамлакатимизга келган Президентлар давлатимиз раҳбари билан биргаликда пойтахтимиздаги Ислам цивилизацияси марказига ташриф буюрди.

Ташриф давомида Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган, адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларида катта ютуқларга эришган маҳаллий ва хорижий ижодкорларни рағбатлантиришга қаратилган “Келажак мероси” халқаро мукофотини топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Давоми 2-бетда



Тараққиёт йўли

БОРЛИҚ МЕҲРЛИ ОНГ БИЛАН, ИНСОНИЯТ РУҲИ ТАБИАТ БИЛАН ТИРИК

Бошланиши 1-бетда

Келинг, эндиги гапни йил номи билан давом эттирайлик. Президентимиз ташаббуси билан **2025 йил** мамлакатимизда “**Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили**”, деб эълон қилинди. “**Ўзбекистон — 2030” стратегияси**да йилимиз номи ва мақсадлари билан боғлиқ ўта муҳим чора-тадбирлар тақвими белгиланган.

Ҳозир улардан айримларини санасак. Жумладан, жорий йилги давлат дастурида: **биринчи** — маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, кўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш; **иккинчи** — аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салохиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш; **учинчи** — табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорлигини таъминлаш; **тўртинчи** — ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, кўпайтириш ва кейинги авлодга етказиш ҳамда биологик хилма-хиллигини сақлаш;

бешинчи — “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш каби масалалар ўрин олган.

Ҳа, албатта, бундай чора-тадбирлар ўз самарасини бериши табиий. Лекин, юқорида таъкидлаганимиздек, иқлим ўзгаришларига қарши курашишда доим янги-янги йўللарни қидираверишимиз зарур.

Президентимиз куни кеча имзолаган “**Экология ва турizm соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон**, “**Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор** табиатни асраш йўлида барчамизга янги мақсад ва режалар, янгича тафаккур улаштири билан ҳам аҳамиятлидир.

Эндиликда тизимда энг муҳим қандай ўзгаришлар бўлади?



Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



Биринчидан, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ташкил этилади. Қўмита бевосита Президентга ҳисобдор бўлади, ҳар қандай давлат органларидан мустақил фаолият юритади, уларнинг мансабдор шахсларига қўмита ишига ариалашини таъқиқланади.

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг алоҳида ташкил этилиши ва ташкил мустақил фаолият юритиши аини мудоао. Бойси, шундоқ ҳам жиддий хавфга айланаётган иқлим ўзгаришлари,

атроф-муҳитга, яшиллик оламига бўлаётган тажовузларнинг олдини олиш сўроқ остида қолаётган, бу борада турли кўзбўямачиликлар, кўриб кўрмасликка олишлар, табиатга нисбатан жиний ҳаракатларни легаллаштириш каби ҳолатлар тез-тез учраб турган бир шароитда мазкур қўмитанинг мустақил фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир. Бу билан ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда таъсирчан чоралар кўриш механизми таъминланиши мақсад қилинган.

Эндиги масала янги ташкил этилган қўмита ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва виждонан таъминлашда қолади, холос.

Иккинчидан, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг Давлат экологик назорат инспекцияси — Экополиция ташкил этилади.

Бу амалиёт кўплаб ривожланган давлатларда қўлланилиб, яхши самара бериб келмоқда. Масалан, АКШ, Германия, Россия ва Европа давлатларида “яшил хавфсизлик куч-



“**Табиат инсон туйғулари ва меҳрли онг билан тирик. Инсоният руҳи ҳам табиат руҳи билан уйғун. Ҳар иккиси бир-биридан айро яшай олмайди. Тириклик ва ҳаётйлик, дунёвий тақдирлар давомийлиги шу фалсафа моҳияти билан таъминланади.**”

лари” сифатида фаолият юритадиган мазкур тизим ўзларининг фаол ҳаракатлари билан атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда қўл келмоқда.

Энди Ўзбекистонда ҳам иш бошлаётган экополиция ҳаракати ҳар биримизни ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаб келиши билан таъсир кўрсата, бу фақат биз ва келажак авлодларимиз учун фойдадан бошқа нарсас эмас.

Учинчидан, Экология қўмитасининг ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлимлари маҳаллий

ҳокимликлар тузилмасига кирмайди ва ўз фаолиятини мустақил амалга ошириб, қўмита олдиди ҳисобдор бўлади.

Бу ўзгариш ҳам экологик барқарорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Чунки аини пайтга қадар экологик ҳуқуқбузарликлар, айтийлик, дарахт кесилиши билан боглик ҳолатларнинг бир учи кўпинча ҳудудий ҳокимликларга бориб тақаларди. Табиийки, унга чора кўришга масъул ташкилот ҳокимлик тизимида бўлгани учун “ёпиқ қозон ёпиқлигича” қолаверарди.

Энди ундай бўлмайди. Зеро, фармон ва қарор билан белгиланган вазифалар, шу асосда йўлга қўйиладиган янги тизимлар мавжуд умумолларнинг олдини олиш, экологик назорат ва жамоатчилик фаоллигини ошириши кўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “**Бизнинг вазифамиз — келажак авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаш учун барча чора-тадбирларни кўриш**”дир.

Тўртинчидан, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ўқиш учун
QR-КОДИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

“КЕЛАЖАК МЕРОСИ” МУКОФОТИ ИШОНЧ ВА БИРДАМЛИКНИНГ ЯНА БИР ДАЛИЛИ

Бошланиши 1-бетда

Бахтни қарангки, халқаро мукофотни ўз эгаларига топшириш вазифаси менинг чекимга тушди. Шундай қилиб, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) бош котиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раев “Адабиёт”, Тожикистон халқ шоири Давлат Сафарзода “Маданият”, МА-везов номидаги Қозоғистон миллий драма театри актёри Еркебулан Дайилов “Театр ва кино”, Озарбайжон халқ артисти Алим Гасимов “Музыка ва рақс”, Туркменистон халқ артисти Бабаасари Аннамирадов “Тасвирий ва амалий санъат” йўналишида, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги халқаро марказ директори ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Дилфуза Эгамбердиева “Фан, таълим ва рақамли технологиялар” номинациясининг илк соҳиблари бўлди. Давлат раҳбарлари ҳузурида лауреатларга мукофот ҳайкаласи, диплом ҳамда 10 минг долларлик пул мукофоти берилди.

Ушбу юксак вазифа менга юклатилгани Ўзбекистон Фанлар академиясига катта ишонч ва эътироф демакдир. Нуфузли меҳмонлар олдига юксак мукофотни энг муносибларга топшириш кўнгилга улкан фахр бағишлар экан. Айтиш керакки, илм-фан, санъат ва маданият йўналишидаги давлат раҳбарлари иштирок этган бундай даражадаги маросим аввал бўлмаган. “Келажак мероси” халқаро мукофоти айнан шу жиҳати билан унутилмас ва тарихийдир.

Албатта, бу нуфузли тадбирнинг Ислон цивилизацияси марказида ўтказилишида алоҳида маъно бор. Аввало, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг ушбу марказга ташрифи унинг минтақадаги илмий-маърифий, маданий ва геосийси аҳамиятини яна бир бор намоён этди. Давлатимиз раҳбарининг меғалоийҳаларидан бири бўлган бу ноёб дурдона асрлар давомида минтақада шаклланган бой илмий меросни кенг ўрганиш, тадқиқ этиш ва глобал миқёсда кенг тарғиб қилиши билан аҳамиятли.



ди. Бу кишига келгусида минтақанинг илмий алоқаларини мустаҳкамловчи, тараққиётга хизмат қилувчи, маданий-маърифий цивилизация маркази сифатида шухрат қозониши, юксалиши ҳиссини берди. Ўзбекистондаги ислон цивилизацияси маркази туркий халқлар ва умуман, Марказий Осиё минтақаси тарихи билан боғлиқ бўл ислон меросини чуқур ўрганиш, асраб-авайлаш ҳамда оммалаштиришни ўз олдига мақсад қилган ноёб илмий, маърифий ва маданий марказ сифатида ташкил этилган.

Илмий манбалар, тарихий далиллар ва замонавий ютуқларга асосланган тизимли ёндашув тўғайли марказ халқаро мулоқот учун муҳим майдонга айланиб, бутун дунё олимлари, тадқиқотчилари ва маданият муассасаларини ислон цивилизациясининг

асл моҳиятини, унинг гуманистик ғояларини ва жаҳон маданиятига қўшган салмоқли ҳиссасини очиб беришдек умумий интилиш атрофида бирилаштирмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кўп асрлик боглиқлик янги маъно ва даражада яна бир бор бўй кўрсатмоқда. Бунн юқорида таъкидлаганимиз халқаро мукофот — “Келажак мероси”нинг 6 та давлат фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият

қўрсатилётган юксак эътибор ва ишончининг ёрқин тасдиғидир. Бу илм йўналишида изланаётган ёшларни руҳлантиради. Қолаверса, мамлакат имижига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Марказий Осиё мамлакатларининг тарихий учрашуви бошланиши арафасида “Янги Ўзбекистон” газетасида Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласи эълон қилинди. Унда давлатимиз раҳбари аста-секин Марказий Осиёнинг янги минтақавий ўзига хослиги вужудга келадиганини таъкидлайди. Мақолада кейинги йиллардаги ўзгаришлар таҳлил қилинар экан, галдаги вазифалар хусусида ҳам сўз юритилади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида Президентимиз илгари сурган асосий фикр ва ташаббуслар сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик, маданий-маънавий ҳамда инсоний йўналишларни қамраб олди. Минтақавий интеграциянинг янги босқичи, давлатларнинг ўзаро савдо ҳажмини ошириш имконияти, инфратузилма ва транспорт лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда ҳаракат қилиш, хавфсизлик ва барқарорлик, сув-энергетика масалаларига эътибор қаратилиди. Институционал архитектуранин мустаҳкамлаш зарурати айтиб ўтилди. Бу халқаро сахнада

Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон бир овоз бўлиб чиқиши кераклигини аналтади. Шунда уларнинг овози баландроқ янграйди ва эътибор юқориқорқ бўлади.

Умуман, билдирилган фикрлар Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитини қучайтиради. Янги ғоялар минтақани ягона иқтисодий макон сифатида ривожлантиради. Бу Марказий Осиё давлатлари нуфузи глобал даражада сезиларли ошишига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

қўрсатилётган юксак эътибор ва ишончининг ёрқин тасдиғидир. Бу илм йўналишида изланаётган ёшларни руҳлантиради. Қолаверса, мамлакат имижига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Марказий Осиё мамлакатларининг тарихий учрашуви бошланиши арафасида “Янги Ўзбекистон” газетасида Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласи эълон қилинди. Унда давлатимиз раҳбари аста-секин Марказий Осиёнинг янги минтақавий ўзига хослиги вужудга келадиганини таъкидлайди. Мақолада кейинги йиллардаги ўзгаришлар таҳлил қилинар экан, галдаги вазифалар хусусида ҳам сўз юритилади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида Президентимиз илгари сурган асосий фикр ва ташаббуслар сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик, маданий-маънавий ҳамда инсоний йўналишларни қамраб олди. Минтақавий интеграциянинг янги босқичи, давлатларнинг ўзаро савдо ҳажмини ошириш имконияти, инфратузилма ва транспорт лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда ҳаракат қилиш, хавфсизлик ва барқарорлик, сув-энергетика масалаларига эътибор қаратилиди. Институционал архитектуранин мустаҳкамлаш зарурати айтиб ўтилди. Бу халқаро сахнада

Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон бир овоз бўлиб чиқиши кераклигини аналтади. Шунда уларнинг овози баландроқ янграйди ва эътибор юқориқорқ бўлади.

Умуман, билдирилган фикрлар Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитини қучайтиради. Янги ғоялар минтақани ягона иқтисодий макон сифатида ривожлантиради. Бу Марказий Осиё давлатлари нуфузи глобал даражада сезиларли ошишига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

ОТБ Президенти: ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛИ РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАМИЗГА ТўЛИҚ МОС КЕЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

— **Авало, интервьюга вақт ажратганингиз учун раҳмат. Ўзбекистонга хуш келибсиз.**

— Катта раҳмат. Бу юртга яна келганимдан мамнунман.

— **Жорий йилда Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлигининг 30 йиллиги нишонланмоқда. Сизнингча, бугунги кунда ушбу шериклик қандай даражада кўтарилган ва 30 йиллик давомида мамлакатимиз тараққиётига энг катта таъсир кўрсатган асосий босқичлар қайсылар?**

— Ҳа, бу жуда муҳим босқич. Ўтган 30 йил давомида Ўзбекистонга 118 та лойиҳа орқали 15 миллиард доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. Мазкур лойиҳалар инфратузилма, энергетика, транспорт, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, инсон капиталини ривожлантириш каби деярли барча стратегик соҳаларни ўз ичига олади.

Яқинда имзоланган 1,2 миллиард долларлик қуёш энергияси ва қувват сақлаш лойиҳаси эътиборга молик. 1000 мегаватт қувват 600 мингта хонадон учун тоза энергия демакдир. Бу Ўзбекистоннинг “яшил” энергетикага ўтишда минтақадаги етакчи давлатга айланишга замин яратади. Биз аҳолининг, айниқса, ҳимояга муҳтож қатламларнинг ҳаётини яхшилаш учун ўзбекча хўмуқта хўкумати билан бирга ишлаётганимиздан фахрланамиз.

— **Ўзбекистон чуқур ва аниқ мақсадли ислохотларни амалга оширмоқда: камбағаллиқни қисқартириш, хусусий секторга кенг имконият яратиш, замонавий рақамли инфратузилмани шакллантириш. Бу борада эришилган натижаларни қандай баҳолайсиз? Аини пайтда ОТБ ушбу кенг қўлмали трансформацияни қандай амалий йўлар билан қўллаб-қувватламоқда?**

— Ҳа, бу жуда муҳим сиёсати жуда аниқ: инсон манфаатлари биринчи ўринда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги “Инсон шаъни ва қадр-қиммати” тамойиллари бизнинг ривожланиш фалсафамиз билан тўлиқ уйғун. Биз камбағаллиқни қамайтириш, иқтисодий ҳимоя тизимини яхшилаш, иқтисодий модернизация ва узоқ мuddатли ривожланишга хизмат қиладиган ислохотларни қўллаб-қувватлашдан мамнунмиз.

Айниқса, хусусий секторни ривожлантириш — энг муҳим йўналишлардан бири. Давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш бўйича Ўзбекистон билан фаол ишлаяпмиз. Бу ислохотлар мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсишини таъминлайди.

— **ОТБ Марказий Осиёда минтақавий боглиқлиқни қучайтиришда муҳим роль ўйнаб келмоқда. SARES каби йирик ташаббуслар доирасида Ўзбекистон қандай ҳисса қўшмоқда ва бу дастурлардан қайси асосий йўналишларда фойда кўрмоқда?**



— Биласизми, бу жуда муҳим. Интеграция иқтисодий имкониятларни кенгайтиради, бозорларга чиқишни осонлаштиради, логистика ҳаракатларини қамайтиради ва қўшни давлатлар ўртасидаги ишончнинг мустаҳкамлайди.

Бу дастурда Ўзбекистоннинг иштироки жуда фол. Бу фақат йўл ва темир йўл инфратузилмаси эмас, балки савдо тартиботларини соддалаштириш, божхона тизимини рақамлаштириш, “Яшил энергетика йўлига” каби стратегик ташаббусларни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистоннинг минтақавий етакчилиги амбицияси бизни ҳам руҳлантиради.

— **Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш йўлида фаол ҳаракат қилмоқда. ЖСТга аъзо бўлиш эъраёти ОТБ билан ҳамкорлиқнинг янги босқичини қандай шакллантиради? Келусида қайси йўналишлар устувор бўлади?**

— Биз Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш бўйича қатъий сатй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Бу жараён мамлакатнинг глобал иқтисодиётга чуқур интеграциясига хизмат қилади. Осиё тараққиёт банки савдо сиёсатини тақомиллаштириш, божхона тартиботларини мослаштириш, савдо енгилликларини яратиш, стандардлаштириш ва сертификатлаш тизимини ривожлантириш бўйича техник ва институционал ёрдамни давом эттиради. Рақамли қўйномалар ва кадрлар салоҳияти ҳам бу жараёнинг ажралмас қисми.

Шу ўринда бир муҳим ангиллиқни айтмоқчиман: келгуси йили ОТБнинг йиллик йилгилиги Самарқанд шаҳрида ўтказилади. Бу — жаҳоннинг етакчи молия вазирлари, марказий банк раислари, экспертлар ва бизнес доиралари вакиллари биланлаштирадиган энг нуфузли халқаро платформалардан бири. Ушбу йилгили Ўзбекистон учун ўз ютуқларини намоён этиш ва келгусидаги стратегик режалари бўйича глобал аудиторияга тўғридан тўғри муурожаат қилиш имкониятини яратади.

ҳокимликларга дарахт ва буталарни кесиш ва кўчиришни назарда тутувчи ҳар қандай шаклдаги ҳужжатни қабул қилиш қатъиян тақиқланди.

Бу жуда муҳим ва юртдошларимизнинг ҳақли эътирозларига адолатли жавоб бўлган қарор эканини таъкидлашни истардик. Демак, эндиликда дарахтларни кесиш учун парда ортидаги ҳаракатларга чек қўйилади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Яқинда ижтимоий тармоқларда пойтахтимизда табиатга нисбатан нафратли ҳаракатга кўзимиз тушди. Қўп қаватли объектлардан бирида дарахтларни қасдан йўқотиш учун уларга бўёқ сепи-лаётган тасвирлар тарқалди.

Очиги, уларга нима дейишга ҳам ҳайронсан киши. Бундай ҳаракат ва мақсадни ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди ахир. Демокчимизки, дарахтларни кесишга давлат бошқаруви органлари рухсатини бекор қилиш яхши, албатта. Аммо уларни қасдан йўқотишга бўлган урунишлардан сақланишимиз керак бўлади.

Бешинчидан, 2026 йил 1 апрелдан маҳалла аҳлининг камида 10 фоизи розилик билдирган тақдирда, маҳалла ҳудудидаги дарахтли ер майдонини олиб қўйиш ва бошқа мақсадлар учун ажратишга тақиқ киритилади. Бу тақиқ кадастр базасида ҳам акс этади.

Биз юқорида халқ назорати ҳақида гапирган эдик. Бунда катта умуиммиллий бирдамлик ҳаракати бор.

Гап шундаки, кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий бирлашув ҳодисаси кузатишмоқда. Бу, айтийлик, жамоавий спорт — футболда эришаётган натижаларимизда, аҳоли ўз ҳудудини обод қилишга бўлган интилишлари — “Очиқ бюджет” платформаси ҳаракатларида, қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга нисбатан билдири-лаётган фикрлар, жамоавий муҳокамалар ва ҳоказоларда кўзга ташланмоқда.

Энди атроф-муҳитни асраш йўлида ҳам бирлашиш учун ҳуқуқий асос яратилмоқда. Бир дарахтни кесиш халқ билан муҳокама қилинади, уларнинг розилиги олинади, розилик берилмаса, демак, бу дарахт яна қуллаб-ўсаради.

Табиат инсон туйғулари ва меҳрли онг билан тирик. Инсоният руҳи ҳам табиат руҳи билан уйғун. Ҳар иккиси бир-биридан айро яшай олмайди. Тириклик ва ҳаётйлик, дунёвий тақдирлар давомийлиги шу фалсафа моҳияти билан таъминланади. Шундай экан, биз бутун дарахтларни кесиш, атроф-муҳитга зарар етказиб, муваққат фойда олиш йўлларини эмас, табиат билан биргаликда тараққиёт этиш мақсадларини кўзлаб яшашимиз керак бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг “Инсон, жамият, иқтисодиёт ва табиатнинг уйғун равишида ривожланиш — аждоқларимиздан мерос қадриятдир. Шу маънода, умумий мақсадимиз атроф-муҳитни асраб-авайлаш, биохилма-хиллиқни сақлаш, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлигини таъминлашдир”, дегани гаплари замирида ҳам ана шу ҳаётй ҳақиқатни англаймиз.

Демак, бутун бизнинг олдимизда табиат мусаффолигини таъминлаш билан боглиқ инсоний вазифалар турибди. Уларни виждонан амалга ошириш бугунги ва эртанги ҳаётимиз, келажак авлодларимиз олдиди қарзимиздир. Президентимиз куни кеча имзолаган фармон ва қарор ана шу мақсад ва вазифалар йўлида барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.



Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Сиёсий ирода ва саъй-ҳаракатлар самараси

Дастлаб яқин тарихга назар ташласак. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, Ўзбекистон Марказий Осиё барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничлик ҳудудига айланишидан беvosита манфаатдор эканини билдирган ҳамда минтақа давлатлари Президентларининг мунтазам учрашувларини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Орадан кўп вақт ўтмай, ушбу таклиф қўллаб-қувватлаиб, 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Ушанда Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев “Сиз Ўзбекистонда жуда катта ишларни амалга оширипсиз ва бу бутун минтақамизга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Кеча Тожикистон, бугун Қирғиз Республикаси Президентлари билан гаплашдим. Улар ҳам сизнинг сиёсий иродангиз ва саъй-ҳаракатларингиз



халқларимизни хурсанд қилаётганини айтди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бугунги Маслаҳат учрашуви ҳам сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилди. Бу ҳали бошланиш”, деган эди.

Умуман олганда, Маслаҳат учрашувларидан кўзланган асосий мақсад Марказий Осиёда барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва дўстлиқни мустаҳкамлашдан иборат эди. Давлатлар раҳбарларининг умумий саъй-ҳаракати билан минтақамизда ўзаро ишонч ва яхши кўшничликка асосланган янги сиёсий муҳит шаклланди. Барча даражадаги мулоқотлар фаоллашди, амалий, ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасида муҳим тарихий қадамлар қўйилди. Ўтган қисқа муддатда ушбу формат орқали чегаралар очилиши, аҳолининг эркин ҳаракати, сув-энергетика бўйича келишувлар, транспорт алоқалари тикланиши, ўзаро савдо ҳамжамияти муттасил ўсиши, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик кучайиши каби кўплаб муҳим натижаларга эришилди.

Президентимиз “Марказий Осиё янги давр остонасида” номли мақоласида таъкидлаганидек, давлатларнинг саъй-ҳаракати билан минтақада янги иқтисодий воқелик шаклланимоқда. Сўнгги саккиз йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти қарийб икки ярим баробар ўсиб, 520 миллиард долларга, ташқи савдо ҳажми эса икки қарадан зиёд бўлиб, 253 миллиард долларга етди. Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2 марта ошиб, қарийб 11 миллиард долларга, ўзаро инвестициялар эса 5,6 баробарга етди. Хусусан, Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 2016

йилдаги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларга етди, қўшма корхоналар сони эса 1800 дан ошди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ўтган қисқа даврда минтақамиз тубдан ўзгарди, очик мулоқот ва фаол амалий ҳамкорлик туфайли долзарб муаммоларга самарали ечимлар топилди. Бугун Марказий Осиё ҳақиқий маънода жадал тараққиёт ва ҳамжиҳатлик маконига айланиб улгурди.

Жанубий Кавказ — бирлашувнинг янги ўқи

Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар алоҳида хусусиятга эга. Бу муносабатлар кўп асрлик умумий тарих, маънавий ва маданий мерос, биродарлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликка асосланади. Кейинги йилларда бу алоқалар нафақат асраб қолинди, балки стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Озарбайжон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинганини бунинг амалий тасдиғи сифатида келтириш мумкин.

Мазкур принципиал қарорни давлатимиз раҳбари қуйидагича изоҳлади: “Ушбу стратегик қадам умумий тарих, қардошлиқ ришталари, маънавий ва маданий яқинлик билан узвий боғланган халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Мен қатъий ишонаманки, қардош Озарбайжоннинг қўшилиши Маслаҳат учрашувларимизга кучли шиддат беради, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтириш, шунингдек, барқарор тараққиёт масалалари бўйича ҳамжиҳатликда қарорлар ишлаб чиқиш учун янги уфқларни очади. Моҳиятан бу Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустақкам кўприк барпо этмоқдамиз, ҳамкорлиқнинг ягона маконини шакллантиришга йўл очмоқдамиз. Бу икки минтақанинг стратегик боғлиқлиги ва барқарорлигини кучайтириш шубҳасиз”.

Ўз навбатида, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев “Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлик форматида Озарбайжоннинг қўшилиши тўғрисида қабул қилинган қарор учун ҳамкасбларимга раҳмат айтаман.



Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувига Озарбайжон қўшилиши билан минтақамизнинг дунё ҳамжамиятидаги овози янада кўпроқ аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Учинчидан, таркибий жиҳатдан кенгайиш минтақавий барқарорликка катта ҳисса бўлиб қўшилиди. Чунки Жанубий Кавказ — геосиёсий жиҳатдан ўта нозик ҳудуд. Унинг Марказий Осиё билан яқинлашуви Евроосиёда барқарорлик ва ишонч муҳитини кучайтиришга хизмат қилади.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг “Биз Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустақкам кўприк барпо этмоқдамиз”, деган сўзлари минтақа келажакнинг аниқ стратегик йўналишини белгилайди.

Минтақанинг ўзгараётган кун тартиби

Кейинги пайтларда “Марказий Осиё плюс” шаклидаги мулоқотлар сони йилдан йилга кўпаймоқда, яъни бутун 10 га яқин мана шундай формат мавжуд. Энг муҳими, Президентимиз “Марказий Осиё плюс” формати доирасида бир неча муҳим ташаббусларни илгари сурмоқчи ва бу форматдаги мулоқотларнинг стратегик аҳамиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Яъни бундан кўзланган асосий мақсад — “мулоқот формати”дан “стратегик интеграция”га ўтиш, амалий ҳамкорлик механизмларидан самарали фойдаланиш.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларида Ўзбекистон илгари сураётган савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, сув ва экологик муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш каби бир қанча таклифлар билан овоздан қўллаб-қувватлаиб, ҳаётда ўз ижросини топмоқда.

Шу маънода, Тошкент саммитида ҳам Президентимиз минтақавий интеграциянинг келгуси 10-20 йиллик қийматлини белгилаб беришга қаратилган гоят қимматли ташаббусларни илгари сурди. Улар орасида энг муҳим беш йўналиш сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.

Биринчидан, Маслаҳат учрашувининг институционал асосларини кучайтириш, яъни “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик форматини яратиш, доимий қотибят ташкил этиш, Оқсоқоллар кенгашини тузиш.

Бу қадамлар, шубҳасиз, форматнинг расмий, барқарор ва самарали институционал тузилмага айланишини таъминлайди.

Иккинчидан, савдо ва инвестицияни 1,5-2 баробар ошириш, яъни 2035 йилга қадар минтақавий иқтисодий дастурни қабул қилиш, ягона инвестиция макони тўғрисидаги декларацияни ишлаб чиқиш, электрон тижоратнинг умумий майдончасини барпо этиш. Ҳозир мамлакатлар ўртасидаги савдо қиймати 10,7 миллиард долларни ташкил этади. Яқин 5-7 йилда бу кўрсаткични икки баравар ошириш имкони бор.

Учинчидан, минтақавий инфратузилма ва транспорт йўлаклари масаласи. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли, Трансафгон коридори, Транскаспий йўлиги каби лойиҳалар Марказий Осиёни глобал савдо марказларидан бирига айлантириши мумкин.

Тўртинчидан, хавфсизлик ва барқарорлик механизмлари. Бу, ўз навбатида, минтақавий хавфсизлик концепцияси, таҳдидлар каталоги, Афғонистонни иқтисодий лойиҳаларга интеграция қилишни назарда тутади.

Бешинчидан, экология ва сув ресурсларига эътибор қаратиш, “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш” ун йиллигини эълон қилиш. Шу билан бирга, умумий “яшил” ривожланиш концепциясини қабул қилиш, Тошкентда Сув ҳўжалиги компетенциялар марказини очиш. Зеро, сув тақчиллиги — минтақанинг энг катта таъшиши. Бу йўналишдаги ҳамкорлик тинчлик ва барқарорлиқнинг асосий қаролатидир.



Президентимизнинг Тошкент саммитидаги нутқида узоқни кўзлаган йўналишларидан яна бири Марказий Осиёда ягона маънавий-маданий маконни шакллантириш гоёсидир. Бугунги бекаро геосиёсий муҳитда маърифат, билим ва маданият бирлаштирувчи куч сифатида қарр топаётгани бежиз эмас. Бунинг Исломи цивилизацияси маркази фойлияти йўлга қўйилгани, Тошкентда маънавий мерос ва маърифатпарварлик гоғларига бағишланган биринчи халқаро конгресс ўтказилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг минтақамиз таниқли олим ва мутафаккирларининг глобал маърифатпарварлик ривожига қўшган ҳиссасига бағишланган махсус резолюциясини қабул қилиш, Минтақавий илмий тад-

қиқотлар жамгармасини тузишни таклиф этди. Шубҳасиз, ушбу ташаббуслар Марказий Осиёнинг жаҳон маънавий харитасидаги улуг мавқени тиклашга хизмат қилади. Ушбу ташаббуслар ягона мақсадга — Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби бунок зотларни тарбиялаган, илм бирламчи қадрият сифатида эъзозланган улкан маърифат ҳудудини замонавий шароитда қайта тиклашга қаратилган. Бу ҳаракат илмий-маданий алоқаларни кучайтириб, Марказий Осиёнинг жаҳондаги интеллектуал рақобат ва инновациялар майдонида янада таъсирчан иштирокчи сифатидаги мавқени мустаҳкамлайди.

Дунё етакчилари эътирофи

Кейинги ойларда Ўзбекистон дунё ташқи сиёсатининг энг фаол иштирокчисига айланди. Президентимизнинг икки марта АҚШга сафари, Словакия, Финляндия Президентларининг мамлакатимизга илк таширифи, ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 43-сессияси ва бошқа кўплаб муҳим халқаро тадбирларнинг юртимизда ўтказилгани фикримизнинг ёрқин исботидир.

Мазкур нуфузли анжуман ва учрашувлар давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган, доно ва прагматик ташқи сиёсати натижасидир. Президентимизнинг бундай ташаббус ва гоғларига етакчи давлатлар лидерлари юксак баҳо бермоқда.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбарини Ўзбек халқи томонидан эътироф этилган етакчи, халқаро майдонда катта нуфузга эга, янги Ўзбекистонни барпо этган йирик давлат арбоби сифатида таърифлади.

Президентимизнинг қатъий ва самарали раҳбарлиги туфайли Ўзбекистон кўп-кўп соҳаларда ҳайратомуз натижаларга эришган, бутун дунёда муваффақиятли ривожланаётган давлат сифатида танилиб бормоқда.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбарининг саммитда билдирган таклифларини қўллаб-қувватлашини айтди.

Яна бир эътиборли жиҳат. 15 ноябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев оммавий ахборот воситалари вакилларига берган баёнотида ўтган асрнинг ўттизинчи-қирқинчи йилларида қозоғистонлик барча зиёлилар Тошкентда таҳсил олгани ва бунинг ортидан ҳозир мамлакатда “У Тош-

Президентимиз “Марказий Осиё янги давр остонасида” номли мақоласида таъкидлаганидек, давлатларнинг саъй-ҳаракати билан минтақада янги иқтисодий воқелик шаклланимоқда.

кент қўрган” ибораси шаклланигани маълум қилди. “Мухтор Азевов ва бошқа таниқли зиёлилар шу ерда ўқиган. Шундан бери қозоқ тилида “у Тошкент қўрган” ибораси бор”, деди Қозоғистон Президенти.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ҳам Ўзбекистон раҳбарини Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 43-сессияси муваффақиятини ўтгани билан табриклади. Сессия 40 йил ичида биринчи марта Париждан ташқарида бўлиб ўтгани, бу эса Марказий Осиёнинг халқаро гуманитар жараёнлардаги роли ортиб бораётганини тасдиқловчи чинакам тарихий воқеа бўлганини таъкидлади. Садир Жапаров Марказий Осиёнинг чинакам ҳамжиҳатлиги муҳити сезилётган қардош Ўзбекистонга доимо ўзгача туйғу билан келишини алоҳида қайд этди.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистон Шавкат Мирзиёевнинг оқилона раҳбарлигида тараққиёт ва бунёдкорлик йўлидан дадил бораётганини қайд этди. Улкан халқаро нуфуз, самарали иқтисодий ислохотлар, саноат, транспорт, кишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги кенг қўлмали лойиҳалар Ўзбекистонни минтақада етакчи ўринга олиб чиқди. Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи спорт давлатлари қаторида бораётгани, сўнгги ёзги Олимпиада ўйинлари бунинг ақлоқ кўрсатгани эътироф этилди.

Илҳом Алиев Шавкат Мирзиёевнинг нафақат донишманд давлат арбоби, балки Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган инсон эканини ҳам алоҳида таъкидлади. Озарбайжонда давлатимиз раҳбари аниқ ишлари, бу миллатга яхши муносабати туфайли чексиз ҳурмат қилинишини билдирди.

“Янги Марказий Осиё” концепциясининг мустаҳкамланиши

Тошкентда ўтказилган еттинчи Маслаҳат учрашувини минтақа тарихида янги сиёсий ўзан томон қўйилган муҳим қадам сифатида эътироф этсак мақсадга мувофиқ. Озарбайжоннинг ушбу форматта қўшилгани, йирик стратегик лойиҳалар илгари сурилгани, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлиқнинг янги механизми раҳбарлиги тақдир этилгани — буларнинг барчаси “Янги Марказий Осиё” концепциясининг назарий гоғдан амалий сиёсат даражасига қўтарилаётганидан далолат.

Шундай қилиб, Марказий Осиё ўз манфаатлари ва умумий келажagini йўлақларнинг кенгайиши эмас, балки йўлун қадриятлар, муштарак тарих ва келажақ олдидаги умумий масъулият ифодасидир. Қатъий сиёсий ирода билан қўрилаётган амалий ҳамкорлик Марказий Осиёни глобал сиёсий-иқтисодий жараёнларда янада жозиба ва кучли минтақага айлантириши таъминлайди.

Зеро, Марказий Осиё фақат иқтисодий салоҳиятининг ошиши ёки логистик йўлақларнинг кенгайиши эмас, балки йўлун қадриятлар, муштарак тарих ва келажақ олдидаги умумий масъулият ифодасидир. Қатъий сиёсий ирода билан қўрилаётган амалий ҳамкорлик Марказий Осиёни глобал сиёсий-иқтисодий жараёнларда янада жозиба ва кучли минтақага айлантириши таъминлайди.

Кейинги вақтларда ҳайдовчилик гувоҳномаси билан боғлиқ янги тартиб яна муҳокамалар марказида. Гап шундаки, ҳукумат қарори билан келаси йилдан кучга кирадиган янги амалиёт — мустақил тайёрланиш орқали айрим тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш мумкинлиги, айрим тоифалар учун эса автомактабларда фақат амалий машғулотларни мажбурий ўташ тартибини юртдошларимиз турлича талқин қилмоқда. Хатто 2026 йилдан автомактабда ўқимай ҳам ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш мумкин деган хабарлар тарқалди.

Буни эшитганларнинг кўпи энди ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш осон бўлиши, бунинг учун ортиқча вақт ва маблағ сарфлашга тўғри келмаслигини қувониб гапирарётган бўлса, баъзилар яқиндагина автомактабда ўқий бошлагани ва бир оз шошиб қолгани, илгарироқ хабар топганида ҳайдовчилик гувоҳномаси олишни келаси йилга қолдирган бўлишини афсус билан маълум қилмоқда.

Хулоса чиқаришга ҳали эрта. Бойси, ҳайдовчиларни тайёрлаш мажбурий ўқув дастурини ўтамай туриб, назарий ва амалий имтиҳонларни топшириш ҳамда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш ҳуқуқи фақат “А1” тоифа учун амал қилади. Янги тартиб Вазиirlар Маҳкамасининг жорий йил 25 октябрдаги “Транспорт воситаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан 2026 йил 1 январидан кучга киради.

— Шу санадан бошлаб юртимизда “А1” кичик тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берадиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси жорий этилади, — дейди Республика йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот хизмати бошлиғи Зойир Йўлдошев. — Мазкур тоифа мопед ва скутерларни бошқариш ҳуқуқини беради. Белгиланган тартибга кўра, ушбу тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун автомактабларда ўқиш шарт эмас. Талабгорлар ўз ихтиёрига кўра ўқув курсларида (онлайн ёки офлайн шаклда) ўқиш ёхуд мустақил тайёрланишни мумкин. Уларга назарий ва амалий имтиҳонларни тўғридан тўғри топшириш ҳуқуқи берилади.

Ўқиш талаби тўлиқ бекор қилинмади

Жорий йил 1 мартдан мамлакатимизда мопед ва скутерлар ҳам транспорт воситалари қаторига қўшилди ҳамда аввалгидек велосипед йўлакларига эмас, балки автомобиль йўлида ҳаракатлана бошлади. Айни шу вақтдан бошлаб ушбу турдаги транспорт

“**Фақат тегишли қарор билан улар учун алоҳида “А1” тоифа жорий этилиб, ушбу тоифадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда енгиллик яратилмоқда. Таъкидланганидек, “А1” тоифани олиш учун фуқаролар автомактабда ўқиши шарт эмас.**

воситаларини бошқарувчилардан “А” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб этилиши белгиланган. Шу асосда мопед ва скутерларни ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда уларга алоҳида фарқловчи давлат рақам белгиларини бериш ишлари давом эттириляпти.

Очиги, бу талаб ҳалигача кенг муҳокамаларга, айрим одамларнинг эътирозига сабаб бўлаётган. Асосий масала ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш харажати билан боғлиқ. Бир томондан, бу чиқим мопед ва скутерларнинг нархидан ҳам юқори бўлиши мумкинлиги одамларни ўйлантиргани рости. Бойси, мопед ва скутер бошқарувчиларнинг кўпи нисбатан арзон ушбу транспорт воситасидан тирикчилик манбаи сифатида фойдаланади. Уни бошқаришга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш эса ортиқча вақт ва харажат талаб қилади.

Ваҳоланки, ушбу турдаги транспорт воситаларини бошқарувчилар миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши мажбурий этиб белгиланган. Бу қарор, аввало, халқ манфаати, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинганни кўпчилик яхши тушунади ва қўлла-қувватлайди. Мопед ва скутерлар бошқа транспорт воситалари каби автомобиль йўлида ҳаракатланар экан, қондаларга барча

қатори амал қилиши зарур. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олган фуқаро эса йўл қондаларини билади ва уларга амал қилади. Мопед ва скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиб, давлат рақам белгиларини бериш ҳам хавфсизлигини таъминлаш чоралари билан боғлиқ. Хусусан, ушбу турдаги транспорт воситаларининг техник соғлигини текшириш, улар билан боғлиқ ўзгариш жавобларининг олдини олиш ва ҳоказо ҳолатлар ҳисобга олинган.

Хуллас, мопед ва скутер бошқарувчиларнинг миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиши талаби бекор қилинмади. Фақат тегишли қарор билан улар учун алоҳида “А1” тоифа жорий этилиб, ушбу тоифадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда енгиллик яратилмоқда. Таъкидланганидек, “А1” тоифани олиш учун фуқаролар автомактабда ўқиш шарт эмас. Мустақил тайёргарлик асосида тўғридан тўғри назарий ва амалий имтиҳонларни топшириши мумкин. Бунинг учун ўқув марказида таҳсил олганлик тўғрисидаги ҳужжат талаб қилинмайди.

Аммо мустақил тайёрланиш имконияти исталган ёшда имтиҳон топшириб, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш

мумкинлигини аналтирмайди. Бошқа автотранспорт воситалари каби мопед ва скутерни бошқаришда ҳам белгиланган ёш чегаралари мавжуд. Мутахассисларнинг маълумот беришича, бугун юртимизда “А” тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлиш учун талабгорлар 16 ёш, “Б” ва “С” тоифалари учун 18 ёш, “Д” тоифаси учун эса 21 ёшга тўлган бўлиши лозим. Шундангина имтиҳон топширишга рухсат этилади.

“А1” тоифадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун қанча вақт тайёрланиш талабгорнинг ихтиёрида. Имтиҳон топширишга тайёр бўлганлар тегишли тартибда ИХХХ ҳудудий бошқармаларнинг имтиҳон олиш бўлиналарига мурожаат қилиши мумкин. Назарий имтиҳонда 20 та тест саволи берилади. Бошқа тоифалардан фарқи равишда 18 та эмас, камид 16 тасига тўғри жавоб берган номзодлар назарий имтиҳонни топширган деб ҳисобланади ва амалий имтиҳонга қўйилади. Ҳар икки турдаги имтиҳонни муваффақиятли топширган шахсларга “А1” кичик тоифага кирадиган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи акс этган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади.

Тартибга кўра, “А”, “Б”, “С”, “Д” тоифалардаги автототранспорт воситаларидан бирини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган шахслар “А1” кичик тоифасидаги автотранспорт воситаларини тўғридан тўғри бошқариши мумкин. Аммо ҳеч қайси тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаганлар токи уни олмагунига қадар мопед ёки скутерларни бошқармагани маъқул. Бойси, улардан белгиланган тартибдаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси сўралади. Ушбу транспорт воситаларини ижарага олиш ёки беришда, ишончнома орқали бошқарганда ҳам давлат рақами белгилари бўлиши зарур. Акс ҳолда, ҳайдовчига жарима солинади.

Шундай қилиб, келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб мопед ва скутер ҳайдовчилари мустақил тайёргарлик асосида миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиши мумкин.

Назаримда, бу кўплаб одамлар кутаётган амалиёт. Айниқса, тирикчилик қилиш мақсадида олинган кичик тоифадаги транспорт воситаси ҳайдовчилари энди ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш харажати ҳақида ҳам бош қотирмайди.

— Талабаман. Ўқшдан бўш вақтимда даромад топиш учун муддатли тўлов асосида скутер сотиб олганман, — дейди Акром Назаров. — Элтйб бериш хизматига ишлайман. Даромадимни скутернинг ҳар ойлик тўловига сарфлайман. Очиги, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш кераклиги мени анча ўйлантираётган эди. Тўғри, йўлда ҳаракатланганда қондаларга амал қилишимиз зарур, аммо автомактабда ўқиш учун ҳеч пул орттира олмаяман. Келаси йилдан ўқимай туриб имтиҳон топшириш мумкинлигини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Имтиҳонларга жиддий тайёрланиб, бир мартадаёқ муваффақиятли ўттишни ният қилганман.

Янги тартибнинг амалиётдаги ижобий ёки салбий жиҳатлари борасидаги фикрлар алоҳида масала. Очиги, “Ўқимай туриб ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш” деган жумланинг ўзидёқ одамни хавотирга солади. Айниқса, борган сари йўлларда транспорт воситалари сони ҳам, улар билан боғлиқ қондабузарликлар автофалокатлар кўпайиб бораётган бир вақтда ҳайдовчиларнинг интизомли ҳаракатланиши йўл қондаларини яхшироқ билишга боғлиқдир. Аммо бунга миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олишни қийинлаштириш орқали эришиб бўлмайди.

Бизнингча, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш тартибини эмас, талабларини қатъийлаштириш тўғрйроқ бўлади. Талабгор қарда, қандай ўқиганидан қатъи назар, тегишли билим ва қўникамага эга бўлиши ҳамда имтиҳонлардан ўта олиши мумкин. Жаҳон амалиётида ҳам мустақил ўрганиш тажрибаси мавжуд ва деярли барча йўналишда кенг оммалашган. Бу талабгорларнинг масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади. Номзод имтиҳондан ўттишни истаса, янада жиддий ўқиб-ўрганади, ҳайдовчилик гувоҳномасини шуначаки ололмаслигини ҳис этади. Йўллардаги қондаларга амал қилиш масъулияти янада ортади.

Қондабузарликлар учун жарима талабларининг доимий қатъийлаштириб борилаётганидан кўзланган мақсад ҳам шу. Айни пайтда “жарима балллари” деган тушунча кўпчиликка яхши таниш. Аллқанон амалиётда қўлланаётган бу тартиб ИТХ ҳодимлари томонидан қайд этилган қўпол қондабузарликларга нисбатан амал қилаётган эди. 2026 йил 1 апрелдан эса махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимлари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондабузарликлари учун ҳам жарима балллари ҳисобланиши эълон қилинди.

Амалиёт ҳукуматини тегишли қарори билан кучга киради ва жарима балллари транспорт воситасининг мулкдори ҳамда мазкур транспорт воситасидан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда ишончнома, сўғурга полиси, йўл варақаси орқали фойдаланувчи бошқа ҳайдовчиларга тақсимланади. Амалиётдан кўзланган мақсад эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўлларда ўлим ҳолатларининг олдини олишга қаратилгани билан изоҳланмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Марказий банк:

Шарҳ

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ ҚАДРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Марказий банк томонидан йилда икки марта “Молиявий барқарорлик шарҳи” тайёрланади. Унда регуляторнинг етакчи мутахассислари томонидан халқаро стандартлар бўйича мамлакатимиз иқтисодийнинг бугунги ҳолати, молия тизими барқарорлиги ва тизимли хавфларнинг потенциал манбалари таҳлил қилинади. Шунингдек, мазкур ҳужжат Ўзбекистондаги молиявий барқарорликнинг асосий ташки ва ички ҳатларини баҳолаш имконини беради.

Яқинда Марказий банкнинг миллий молия бозоримизнинг биринчи ярим йиллиқдаги таҳлилига бағишланган шарҳи эълон қилинди. Унда мамлакатимизда шаклланган макромолиявий шароитлар, банк тизимининг молиявий барқарорлиги таҳлили, активлар бозори ҳолати макропруденциал сиёсат воситалари ва макро стресс тест натижалари асосида атрофича таҳлил қилинган. Қуйида Марказий банк тақдим этган мазкур шарҳдаги асосий маълумотларга тўхталамиз.

Ҳужжатда қайд этилишича, айни пайтда глобал молиявий шароитлар бир оз енгиллашган. Халқаро бозорларда фойз ставкалари пасайди ва бир қатор ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари мустаҳкамланмоқда. Юқори глобал ноанқилик, биринчи навбатда, иқтисодий қўтилмазага таъсир ўтказишда давом этаётган ва глобал иқтисодий ўсиш суръатларини чеклаши мумкин бўлган савдо сиёсати соҳасида сақланиб қолмоқда.

Халқаро вазиятта мос равишда Ўзбекистонда ҳам молиявий шароитлар енгиллашган. Хусусан, ички валюта бозори ва банк сектори, шунингдек, макропрүдентсий мухит яхшиланди. Жумладан, 2025 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти йиллик 7,2 фоиз ўсди ва йил бошидан

буён сўмнинг алмашинув курси АҚШ долларига нисбатан 2,1 фоиз мустаҳкамланди.

Банк тизимининг жами регулятив капиталы 17,4 фоиз, ликвидлики қоплаш меъёри коэффициенты 195 фоиз, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенты 117 фоиз ва банк секторидаги муаммолы кредитларнинг улуши 3,8 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, банк сектори барқарор ривожланыпти.

Уй хўжаликларининг кредит фаволиты 2025 йилнинг биринчи ярмида ўртача даражада сақланиб қолди. Жисмоний шахслар кредитларининг ўсиши кредитлар воситалари мавжудлиги ва аҳоли талаби ўсишини акс эттирди.

Жисмоний шахсларга ажратиладиган барча кредитлар бўйича қарз юки чекловининг қатъийлаштирилиши аҳолининг умумий қарз юкини 36 фоиздан 33 фоизгача камайтиришга ёрдам берди. Микроқарзлар портфелининг сифати ёмонлашди. Жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзлар юқори суръатларда ўсишда давом этмоқда. Бир неча микроқарз шартномаларига эга қарз олувчилар сони ортиб бормоқда.

Ликвидлигини сақлаш ва қарз олувчиларни ҳимоя қилишга қаратилган макропруденциал сиёсат воситалари доимий равишда такомиллаштирилиб, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш учун фаол қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, капиталга бўлган талаблар такомиллаштирилмоқда ва юзага келиши мумкин бўлган даврий тизимли ҳатларнинг салбий таъсирини камайтирадиган ва банкларнинг тўлов қобилиятини оширадиган капитал буферлари жорий этилмоқда. Марказий банк банклар учун контрциклик капитал буфер даражасини белгиллаш асосларини яратди.

Умуман олганда, тартибга солиш ёндашуви эҳтиомлий номутаносибликлари эрта аниқлашга ва ўзгарувчан иқтисодий шароитларга қараб воситаларини босқичма-босқич такомиллаштиришга асосланган. Халқаро бозорларда фойз ставкалари пасайишига қарамай, нисбатан юқори бўлиб қолмоқда. Бу эса қарзга хизмат кўрсатиш харажатларини оширади. Муаммолы микроқарзлар улуши ўсиб бориши ҳамда гаров талаблари йўқлиги банкларда кредит хавфини

ва йўқотишларини келтириб чиқариши мумкин. Айрим банкларнинг депозит портфелида концентрация сақланиб қолмоқда.

Кўчмас мулк бозорида уй-йўл нархларидаги тузатишлар бўйича ноанқиликлар мавжуд. Тўлов тизимлари ва рақамлаштириш жараёни ривожланиши билан киберхатарлар даражаси ошиб бормоқда. Бу эса молия тизимига ва унинг барқарорлигига бўлган ишонччи йўқотиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, бундай таҳлилларни амалга ошириш бозор иштирокчиларини чеклашга эмас, балки келажакда молия тизимига таъсир қилиши мумкин бўлган таркибий ўзгаришларини олдиндан яхшироқ тушунишга хизмат қилади.

Банк секторининг бардошчилигини баҳолаш макроиктисодий мухитдаги турли ўзгаришларни моделлаштирувчи стресс тестлар асосида амалга оширилди. Молия секторининг умумий ҳолати барқарор деб баҳоланди.

Тўлов қобилияти макро стресс тести натижаларига кўра, 2028 йилнинг биринчи ярим йиллиги охирига келиб, асосий сценарийда банк тизимининг капитал етариллик коэффициенти 19,3 фоизни ташкил қилади, ҳатарили сценарийда эса 8,4 фоизгача камайиши мумкин. Ҳатарили сценарийда банк дефолтнинг банк тизимига тарқалиш ҳатари паст даражада қолмоқда. Ҳатарили сценарийда капитал етариллигини таъминлаш учун қўшимча капитал талаб қилинади.

Ликвидлилик макро стресс тести натижалари банк тизимидеги ликвидлилик ҳолатининг барқарорлигини кўрсатди. Ҳатарили сценарийни амалга ошириш жараёнида банкларда юзага келиши мумкин бўлган салбий пул оқимини қоплаш учун етарли миқдорда юқори ликвидли активларнинг мавжудлиги банк тизими бўйича ликвидлилик хавфининг олдини олади.

Мунтазам равишда стресс тестлар ўтказиш банк сектори ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш ва узоқ муддатли таркибий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Юнус БҲРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуқтаи назар



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ АСОСИ

Бугун соҳанинг мамлакатимиз иқтисодийётидаги улуши 20 фоизга тенг. Йилига 467 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришда, 3,5 миллион киши меҳнат қилаётган жабҳада янги ва қайта ишланган маҳсулотлар умумий экспортнинг учдан бир қисмини ташкил қилмоқда.

Ривожланиш бир жойда тўхтаб турмайди. Шу бонс, тақдиротда соҳага илмни изчил қўллаш, янги технология ва ишланмаларни татбиқ қилиш масалалари айтиб ўтилди. Айни пайтда ҳар бир соҳага илм-фан ютуқларини жорий этиш янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг устувор йўналишидир.

Толали экинларнинг айрим турлари тупроқ таркибини азот билан бойитади. Тупроқнинг физик ҳолатини яхшилаб, эрозияга чидамлилигини оширади. Қолаверса, толали экинлар юқори даромад манбаи. Улардан олинадиган маҳсулотлар экспортроп бўлади. Шунинг учун улар мамлакат иқтисодийётига катта фойда келтиради.

Шу мақсадда жорий йилда институтимиз тажриба даласида қаноп, қроталария, қанатник, жут, бамия, толали зигир, рами каби 7 турдаги толали экинларнинг маҳаллий ва хориждан келтирилган 60 га яқин нави экилиб, парваришланди, уруғ захираси тайёрланди.

Ҳар бир ўсимлик турини парваришлаш агротехникаси ишлаб чиқилади. Лаборатория шароитида ушбу экинлар посяидан олинган толаннинг сифат кўрсаткичлари аниқланиб, мақбулларини еттиштириш ва саноатда ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади.

Шулардан бири — қаноп қимматбаҳо толали экин. Унинг толаси пишмиқлиги, майинлиги ва яхши тўқилиши билан ажралаб туради. Ундан ишланган маҳсулотлар намлиқни ўзига тортиши ва тез ўтказиш хусусиятлари билан бошқа техник ўсимликлардан устун. Қаноп қорларда озик-овқат маҳсулотлари сақланса, анча вақт ўз хусусиятини йўқотмайди.

Бундан ташқари, қроталария ҳам дунёда кенг тарқалган бўлиб, асосан, тола сифатида ишлатилади. Айни пайтда ушбу экинга эътибор янада ортаган. Чунки унинг толаси синтетик толарларга қараганда экологик жиҳатдан тоза ва қогоз саноати учун қимматли хомашёрдир.

Толали зигирдан эса қимматбаҳо икки маҳсулот — тола ва уруғ олинади. Бежиз зигир толаси “шимомлий ипак” дейилмайди. Рами, қанатник, бамия ўсимликлари ҳам худди шундай хусусиятлари билан ажралаб туради.

Умуман олганда, республикамиз тупроқ-иклим шароитида барча турдаги толали экинларни парваришлаш ва еттиштириш имконияти мавжуд. Бу эса толали экинлар агротехнологиясини такомиллаштириш, селекция ва уруқчилигини ривожлантириш орқали экспортроп маҳсулотлар тайёрлаш ишларини янада жадаллаштиришни талаб этади.

Тоҳир ҚУЛИЕВ,
Толали экинлар илмий-тадқиқот институти директори

Бир гуруҳ ватандошларимизга илк бор ташкил этилган “Инсон фахри” миллий мукофоти топширилгани ҳақида аввал ҳам хабар берган эдик.

Мазкур миллий мукофот мамлакатимизда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида кечаётган ислохотлар, ҳеч ким эътибордан четда эмаслигини аниқлашчи муҳим ижтимоий тадбир сифатида тарих саҳифасига муҳрланди. Бинобарин, мукофотлар энг масъулиятли даamlарда юсак фазилатларини намоён этиб, кўмакка муҳтожларга ёрдам қўлини чўзган, фидойилик кўрсатган, меҳнати, ҳаётини эзгуликка бағишлаган инсонларга насиб этди.

Жамият мустаҳкамлиги ва ривожини, аввало, одамларнинг бир-бирига муносабатида кўринади. Агар улар ўртасида ўзаро ҳурмат, инсонийлик ва ёрдам кўрсатиш маданияти кучли бўлса, бундай жамиятда тинчлик, бирдамлик ва меҳр-оқибат барқарор бўлади. Миллий мукофот эгалари ана шундай соғлом ва тинчлик қалби, гўзал фазилатлари билан жамият ривожига ҳисса қўшиб келаётган оддий одамлар. Бошқаларнинг дардига бефарқ бўла олмаслик, қийин даamlарда таянч ва суянч бўлиш, меҳр-шафқат, кечиримлили ва адолат тамойилларига содиқлик, ҳеч қандай тамасиз одамлар ҳаётини ўзгартиришга қодир фидокорона ҳаракатлар уларни бугун элу юрт ҳурматида сазовор этди. Уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиш, турли соҳалардаги ижтимоий, маданий ва маърифий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадини кўзда тутган тадбир ҳақиқий қаҳрамонларни кашф этди.

Биз тақдирланганлардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

АЁЛЛАРНИ РУҲЛАНТИРИШ — МАҚСАДИМИЗ



Бибисора ОРИЙЕВА,
“Раҳмдиллик” маскани раҳбари,
“Меҳр йўли” номинацияси ғолиби:

— Кўп йиллардан бери тақдир оғир синовларини бошидан кечириётган, ҳимоясиз қолган аёлларга ёрдам кераклигига амин бўлиб келаётган эдим. Ана шу истак ортидан “Раҳмдиллик” номи муассаса ташкил этдик. Ҳаётда таянчи ва суянчини йўқотган аёллар қалбига умидни қайтариш, яхши ишларга руҳлантириш, саломатлигини тиклашга кўмак кўрсатиш аслида ҳар биримизнинг вийдон ишимиз бўлиши лозим. Чунки уларнинг тақдирига бефарқ қараб бўлмасди. Аввалгига кичик бир хонада тўрт кишилик жой тайёрладим. Кейинроқ ўринлар сони кенгайиб борди. 20 та хонада 50 аёл фарзандлари билан жойлаштиришга имконият яратдик. Улардан ҳар бирининг дарди менинг дардим, изтиробини қалбим изтироби деб қабул қилардим.

Чорасизлик билан келган аёлларни кузатар эканман, уларга ҳаловат, ишонч ва кўмак нақадар зарурлигини ҳис қиламан. Тинч-осойишта муҳитда улар ўзини тиклай бошлайди.

Инсон сифатида қадр ва меҳрга муносиблигини англайди. Қобилияти очилади, кимдир гулам тўқийди, кимдир тикувчилик қилади. Қўлидан келган ишга жалб этишга, даромад топишига кўмак кўрсатамиз. Базан маҳаллий ҳокимлик орқали ер ажратилади, бошпана тиклашга ёрдам берамиз. Ўзгараётган тақдирларни кўриб, тин оламан. “Ўзингта шукр, бир қалбда чироқ ёқилди”, дейман ичимда.

Мен бу ишларни мукофот ёки бошқа моддий манфаъадорлик учун қилмаганман. Инсонини инсон қиладиган ҳам унинг яхши ишлари. Қийин даamlарда кичик бир тасалли, бир оғиз яхши гап инсоннинг руҳини кўтариши, ҳаётини яхши ўзанга буриб юбориши мумкин. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Одамларни бир-бирига боғлаб турган кўринмас ришталар, яъни ўзаро ҳурмат ва инсонийликдан юзага келади. Аста-секин атрофдаги одамларда ҳам яхшилик қилиш истаги шаклланади. Ахир бир-бирига кўмак бериш маданияти халқимизда табииётга бегона эмас.

Мукофот олишни кутмаган эдим. Кичик меҳнатларим бу қадар улуғланишни кўнглимни ёритиб юборди. Элнинг муҳаббати ва бизга муносабатини кўриб, тақдирнинг оғир синовларини бошидан кечириётган инсонларга янада кўпроқ ёрдам бериш истаги кучайди. Чунки юртимиздаги ҳеч бир аёл менга бегона эмас. Бири олам, бири синглим, қўзим. Уларнинг барчаси менга бирдек қадрли. Уларнинг муаммоларини аритиш, дардига малҳам бўлиш, йўқолган умидларини қайтара олиш аслида мен учун катта мукофот.

“Инсон фахри” орқали кашф этилди. Бу Ўзбекистонда хотин-қизларга эътибор, уларнинг ҳаракатлари, орзу-интилишлари, муаммо ва ютуқларига ҳукуматнинг бефарқ эмаслигини далолат беради.



Моҳира БОЛТАЕВА,
Тошкент шаҳридаги
Абу Али ибн Сино номидаги
ихтисослаштирилган мактабнинг
кимё фани ўқитувчиси, “Шахсий
ютуқ” номинацияси ғолиби:

— Юртимиз илм-фани ривожига озми-кўпми ҳисса қўшиб келаётган ёш педагог сифатида миллий мукофот даражасида қадрланишимни ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташаббуси билан илк бор тақдим этилган “Инсон фахри” миллий мукофотининг тантанали тақдирлаш маросимига қатнашар эканман, бутун вужудимни кучли ҳаяжон эгалладим. Зеро, шу пайтгача бўлган тақдирлашлар, эътирофлар бу даражада таъсирли бўлмаган мен учун. Назаримда, барча тақдирланганлар учун ҳам шундай.

Тўғри, бу йил Ўзбекистон тарихида биринчи марта Халқаро кимё олимпиадасида 2 та олтин, 2 та кумуш медалга эга бўлди. 90 дан ортиқ давлат орасида 6-ўринда

ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

туриш ҳар биримизга миллий гуруҳ беришга. Натижаларимиз йилдан йилга ўсиб бораётганида, албатта, берилаётган имкониятлар муҳим омил бўляпти. Энди нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчи ҳам муносиб рағбат оляпти. Бу ҳам асосий омиллардан бири. Зеро, бундай рағбат ўқувчини ҳам, ўқитувчини ҳам ўз устида кўпроқ ишлашга ундаяпти. Янги авлодда илм олиш истаги кучайяпти.

Ўқувчи ҳам кимгадир кераклигини сезади. Пулни ота-онасига бериб гуруҳуладим. Чунки ўзим ҳам ўқувчи бўла туриб биринчи марта илмим билан қарийб 70

миллион маблағ топа олганимга хурсанд бўлиб кетганман. Бироқ халқаро олимпиадада олтин олишнинг ўзи энг катта ютуқ. Ҳар бир давлат қаҳрамонларини ўзига хос тақдирлайди. Ўзбекистонда 2019 йилдан олимпиада ғолибларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилган бўлса, шундан буён биз, олимпиадачилар давлатимиз эътибори ва эътирфидамиз. Бундан руҳланганимиз, ишончини оқлашга бел боғлаганимиз учун ҳам бугунга келиб Халқаро кимё олимпиадаси бўйича кучли 10 талаikka кириб олдик. Ваҳоланки, 2022 йилда ҳам олтин медалимиз йўқ эди. Насиб қилса, бу ёнига

шу натижани қўлдан бой бермаймиз, кучлилар сафидан қолмаймиз. Айниқса, кейинги йилги Халқаро кимё олимпиадасига меҳмон бўлишимиз соҳа фидойилари қатори менга ҳам жуда катта масъулият юклаган. Бу тизимдаги барча инсонлар учун жуда ҳаяжонли.

Бироқ энди бизнинг бутун дунё ҳавас қиладиган алоҳида мактабларимиз, энг замонавий лабораторияларимиз бор. Биз олимпиадага тайёрланган пайтларимизда лаборатория масаласида муаммо бўлар эди. Ҳозир ҳаммаси аъло, шароитлар етарли. Шундай бўлса-да, хулоса ўрнида айтишни истардимки, оиладаги илмга муносабат бирламчи аҳамиятга эга. Хусусан, бизнинг оиламизда илм олишга жиддий эътибор қаратиб келинган. Асосий маблағ билимга йўналтирилган эди. Ҳозир ҳам шундай. Ота-онам мени қўламаганида, балки ҳеч қачон олимпиадада қатнашмаган бўлардим. Мактаб босқичидан тортиб, ҳар бир иштироким учун улар мендан-да кўпроқ қайғурган ва ёнимда турган. Айни пайтда шогирдларимнинг ота-онаси ҳам фарзанди учун ҳар нарсага тайёр. Ўзбекистон келажакнинг умидли вакиллари деб биладиганам — юздан зиёд шогирд ҳаётига, илмда юксалишига озгина дахлдор бўлган бўлсам, бениҳоя бахтлиман. Чунки ёшлар муваффақиятига дахлдорлик юрт келажакига дахлдорликдир.

“Янги Ўзбекистон” мухбирлари
Рисолат МАДИЕВА,
Муножат МЎМИНОВА тайёрлади.

Ижтимоий ҳимоя



Умиджон УМАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги Бухоро вилояти
бошқармаси бошлиғи

Бухоро вилоятида эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар учун яратилаётган имкониятлар, бегараз кўмак, эътибор ва ғамхўрлик одамлар ҳаётини енгилаштириш билан бирга келажак сари ишончли қадамларга замин ҳозирламоқда.

Президентимизнинг тегишли фармони ва қарори ижроси доирасида Бухоро вилоятида 34 та муассаса ва 7 та тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари орқали кўрсатилаётган хизмат турлари 49 тадан 109 тагача кўпайган.

Биргина шу йилнинг ўзига 9400 дан зиёд оилага ижтимоий иш очилиб, уларнинг эҳтиёжига қараб 200 мингта яқин индивидуал хизмат режаси ишлаб чиқилди. Маҳалла ва марказларда ишлаётган ижтимоий ходимлар 203 мингдан зиёд аризини қабул қилиб, кўплаб оилаларни қўллаб-қувватлади. “Ягона ижтимоий ҳимоя реестри”га киритилган минглаб оилаларга ойма-ой нафақа ва моддий ёрдам тўлаб келинмоқда.

Масалан, ўтган куз-киш мавсумида 40 мингдан зиёд оилага бир марталик моддий ёрдам берилди. Электр ва газ тўловини тўлашда қўйналган 13 мингдан зиёд оилага давлат ҳисобидан компенсация ажратилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали 3000 дан ортиқ фуқарога дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой таъмири ва бошқа йўналишларда ёрдам кўрсатилди.

Бугун вилоятда мингдан зиёд ёлғиз кекса ва ўзгалар парваришига муҳтож киши истиқомат қилмоқда. Уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, рўзгор ишларига ёрдамлаштириш, моддий қўмаклаштириш тизими йўлга қўйилган. Вазиrлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Фаол ҳаётга қадам” дастури ишга туширилиб, кексаларга кундузги парвариш, тиббий-ижтимоий реабилитация, уй шароитида маншнинг ёрдам каби янги хизматлар кўрсатила бошлади.

Жойларда таъйин ва ўзравонликка учраган хотин-қизлар учун “Бирламчи кўмак хоналари” очилди. Бугунга қадар мингтача аёллар ва фарзандлари бу ерда вақтинча паноҳ топи, ҳуқуқий ва психологик ёрдам олди. 6000 дан зиёд аёл ҳимоя ордери билан таъминланди.



Вилоятимизда ногиронлиги бўлган 62 мингдан зиёд шахс яшайди. Уларни тиббий кўриқ, реабилитация хизмати, протез-ортопедия мосламалари билан таъминлаш йўлга қўйилди. 2024 йилдан бошлаб бу воситаларни онлайн харид қилиш имконияти пайдо бўлди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлганларни спортга жалб қилиш, жамиятга тўлақонли мослаштириш мақсадида марафонлар, паралимпиадалар ўтказилмоқда. “Инсон учун”

шиори остидаги тадбирлар вилоят аҳлининг ижтимоий бирдамлигини кучайтирди. “Мурувват” уйлари ва оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари ҳам давлат ҳимоясида. Бу ерда улар нафақат парваришланипти, балки турли тўғараклар, касб-хунарга ўргатиш ишлари билан ҳам қамраб олинмоқда.

Шу ўрнида баъзи мисоллар билан ўртоқлашайлик. Шофиркон тумани Маҳаллақози маҳалласида яшовчи Дилором Насруллаева узоқ йиллар давомида соғлиғидаги муаммо,

доимий оёқ оғриғи ва оқсқокланиш сабабли ишлаш ва муаммолари ҳақида кимларгадир мурожаат қилишга журъат топа олмаган. Қийин ҳаётини синовлар уни сусткашликка, сокинликка ўргатган, аммо юрағидида умид чироғи сўнмаган эди. Маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим тубайли аёлнинг ҳаётида туб бурилиш ясалди. Соғлиғи қайта кўриб чиқилиб, унга иккинчи гуруҳ ногиронлик нафақаси ва боласи учун нафақа тайинланди.

Ўтган йилнинг аёзли киши Дилором опанинг оиласи учун оғир синовли жала бўлди. Аммо Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги “Екилги-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори у каби юртдошларимиз учун яна бир имтиёз эшигини очди. Оила энергия харажати учун давлат томонидан тақдим этилган компенсация дастурига киритилди. Бу нафақат моддий енгиллик, балки ҳаётга ишонч, келажакка умид тимсоли бўлди.

Бугун Дилором опа ва турмуш ўртоғи вояга етмаган уч фарзандининг тарбияси билан банд. Энг муҳими, уларнинг ҳаётга муносабати бутунлай ўзгарган.

Когон тумани Баҳроуддин Нақшбанд маҳалласида истиқомат қилувчи Мафхират Атоева икки фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи ичкиликка берилиб, даволаниш курацидалиги учун оила қўллаб-қувватлаш гир-добиди қолган эди. Лекин унинг ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришлар бошланди.

Маҳалла ижтимоий ходими Шаҳноза Мулкамолова томонидан ишлаб чиқилган индивидуал хизматлар режаси асосида фуқаро истиқомат қилаётган уй таъмирлаб берилди.

Ўзи эса Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказига жойлаштирилди, фарзандлари учун нафақа тайинланди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан моддий ёрдам берилиб, энергия харажатлари учун компенсация тўлови расмийлаштирилди. Бугун Мафхират Атоева фарзандлари ва оиласининг эртанги кундан кунгил тўқ.

Шофиркон тумани Навбахор маҳалласида яшовчи Дилдора Маҳмудова учинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, ҳаётга муҳаббат билан. Турмуш ўртоғининг кўзи ожиз, биринчи гуруҳ ногирони. Қарамондаги қайинсинглиси ҳам биринчи гуруҳ ногирони. Шундай бўлса-да, Дилдора опа бу оғирлиқни сабр, меҳр ва ирода билан енгиб, вояга етмаган беш фарзандини шукрона билан тарбияламоқда.

Маҳалла ижтимоий ходими Хулқар Мирзаева бу оиланинг ҳолатини ўрганиб, камбағаллик реестрига киритди ва зарур ёрдам кўрсатди. Киш мавсумида энергия компенсацияси тўлаб берилди. Оилавий шифокорлар иштирокида чуқур тиббий кўриқ ташкил этилди. Фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди, тўғаракларга қатнашга шароит яратилди. Оиланинг икки нафар боласи хусусий боғчага бепул жойлаштирилди. Қарамондаги қайинсинглиси “Айша-ёлғизлар реестри”га киритилиб, унга ҳам компенсация тайинланди.

Энг муҳими, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида турмуш ўртоғига қаровчи сифатида Дилдора опага иш ҳақи тайинланди. Бу ёрдамлар нафақат оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарорлаштирди, балки аёлнинг меҳнатига муносиб баҳо бўлди.

Бугун Бухоро вилоятида ижтимоий ҳимоя йўналишида қилинаётган ишлар оддий ёрдам эмас, балки инсоний қадр-қимматини тиклаш, оғир аҳволда қолган фуқароларнинг ҳаётга қайтишига имконият беришдир. Дилором, Мафхират, Дилдора сингари аёлларнинг ҳаёт йўли нафақат шахсий жасорат намунаси, балки жамият, давлатнинг уларни қандай қўллаб-қувватлаётганининг ёрқин исботидир.



Албатта ўқинг!

Иборалар ҳикояти

("СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ" КИТОБИДАН)



II

Юлдуз билан боғлиқ "истараси иссиқ" деган ибора бор. У юзиде яхшилик аломати сезилиб турган, илқ муомалали кишига нисбатан ишлатилади. Бундаги "истара" юлдуз маъносидеги "истора" ёки "ситора" сўзидир. "Астрономия", "астрология", "астрофизика" деган сўзларнинг "астро" қисми ҳам ана шу "истора"га тарихан алоқадор.

Демак, "истараси иссиқ" лугавий жиҳатдан юлдузи иссиқ дегани экан. Юлдузнинг мунажжимлар этиқоқидеги кўра, кишининг табиғатига таъсири бор. Шунга биноан, "юлдузи иссиқ" табиятан илқ деган маънони беради.

Мазкур иборега маънодош "меҳриғеёси бор" деган ибора ҳам мавжуд. Бу иборедаги "меҳриғеё" сўзининг тарихи қизик.

Кўпчилик ёқтирадиган, халқ меҳрини қозongan киши ҳақиде "меҳриғеёси бор" ёки "меҳриғеёси бўлса керак" деган ибораларнинг келиб чиқишига одамлар орасиде бор, лекин гайриилмий бир нақл сабаб бўлган. Бу нақлга кўра "меҳриғеё" деб аталган ўсимликни ёнида олиб юрган киши кўпчиликнинг меҳрига муяссар бўлади. Меҳриғеё қандай ўсимлик деган саволга бир неча хил жавоб бор. "Гиеё ул-луғат" де бу кунгабоқар гулига нисбатан ишлатилиши айтилган. Бу ҳолда "меҳр"дан мурод қуёш бўлади. Чунки "меҳр" сўзининг қуёш маъноси бор. Бунинг қадимги шакли "митра" бўлиб, офтобпарастлик маъносидеги "митракулт" сўзи таркибиде сақланган. "Гие" асли "гиде" ўт дегани. Ўша лугатда яна меҳриғеёга томири инсон шаклига эга бўлган ўт, деб таъриф берилган. Бунда меҳриғеё юнонча ва русча номи "мандратор" бўлган ўтнинг оти ва бу ҳолда унинг меҳр қисми инсон, эр маъноларига эга "мартия" сўзининг ўзгарган шакли бўлиб қолди. "Мандратор" сўзининг "мандра" қисми ҳам ана шу "мартия" сўзига алоқадор. Ҳозирги "мард" сўзининг асли ҳам "мартия" деган. Демак, "меҳриғеё" сўзининг лугавий маъносини "қуёшўт" ва "инсонўт" деб тушуниш бор экан.

Булларнинг тўғриси "инсонўт" бўлиб, мазкур ўсимликнинг томири шаклан инсонга ўхшаган бўлгани учун уни "меҳриғеё" деб атаганлар. Аммо "меҳриғеёси бор" деган иборанинг келиб чиқишига "меҳр"ни ҳозир машхур шафқат, муҳаббат маъносидега тушуниш сабаб бўлган.

Деҳқонларимизга хос ой ҳисоби ва шу ойларнинг номи билан боғлиқ "Хут кирди" — деҳқоннинг ичига қурт кирди", "Ҳамал

туғайди. Йилда икки марта тун билан кун баробар бўлади. Биридан кейин кун тунга нисбатан узая бошлайди, иккинчисидан сўнг тун кунга нисбатан узая бошлайди. Кун узая бошлагандаги тун-кун тенглигиде баҳор, тун узая бошлагандасидан кўз бошланади. Кун билан тун тенг бўлган пайт "эътидол" ёки "тенгкунлик" дейилади. Руслар "равноденствие" дейди. Баҳор кунининг энг узун ва туннинг энг қисқа бўлган давригаче давом этиб, шундан кейин ёз фасли бошланади. Бунга "ёзги инқилоб" ёки "ёзги кун қайтиши", русча "летнее солнцестояние" деб атайдилар. Кун қайтишини, "солнцестояние" сўзини назарда тутиб, "қуёш туриши" ҳам дейдилар. Ёз фасли кун қисқаришига юз тутиб, кузги эътидолгаче давом этади. Куз туннинг энг узун ва куннинг энг қисқа бўладиган вақтигаче давом этади. Шу пайтдан қиш бошланиб, кун узайишга юз тутаяди. Бу "қишқи инқилоб" ёки "қишқи кун қайтиши" ёхуд қишқи кун туриши, русча "зимнее солнцестояние" дейилади. Қиш баҳорги эътидолгаче давом этади. Шу билан йил ва унинг тўрт фасли туғайди. Бу йилнинг ойлари буржларнинг номи билан аталади. Баҳорнинг биринчи куну йилбоши ҳи-

Ҳамал таҳвили эткач меҳри гулчеҳр — Очар юз гул замона кўргач уч меҳр, дейди. Яъни гул чеҳрали қуёш ҳамалга таҳвил этгач, ҳут буржидан чиқиб ҳамал буржиге киргач, замона ул қуёш ва табиат меҳри туфайли турли-туман гулларни очади.

Баҳорнинг иккинчи ойи савр дейилади. Саврнинг биринчи куну апрелнинг йигирма биринчи кунига тўғри келади.

Кейинги ой жавзо деб аталади. Жавзонинг биринчи куну майнинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Жавзо кўклам фаслининг учинчи, яъни охиригидир.

Шундан кейин саратон ойи келади. Унинг биринчи куну июннинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Саратонда сув кам бўлиб ёки бошқа сабабларга кўра экин қондириб суғорилмаса, яхши авж олмайд. Шунинг учун деҳқонларимиз, экин саратон сувига қонмаса, авжи бўлмайди, дейди.

Ёз фаслининг иккинчиси асад бўлиб, ушбу ойда экин ҳосилга кира бошлайди. Бу ойда экинга яхши ишлов берилса, ҳосил мўл бўлади. Шунинг учун деҳқонларимиз "Асад — экиннинг яса" дейди. Асаднинг биринчи куну июль ойининг йигирма учинчисига тўғри келади. Ёзининг охиригиди июн сунбула бўлиб, бунда ариқ ва дарёлардан тиниқ сув оқади. Шунинг учун "Сунбулада сув тинади" дейилади. Сунбуланинг биринчи куну августнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади.

Куз фаслининг биринчи ойи мезон бўлиб, унинг биринчи куну сентябрнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади.

Кейинги ой ақраб деб аталади. У куз мавсумининг иккинчи ойидир. Ақрабнинг биринчиси октябрнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади.

Ақрабдан сўнг қавс келади. Унинг биринчи куну ноябрнинг йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Деҳқонлар орасиде "турп ва кечки сабзи қавс сувини ичса яхши бўлади" деган гап бор.

Қавсдан сўнг қишнинг биринчи ойи — жадй келади. Бу сўзда "д" харфидан кейин "й" харфи келади. "И" харфи йўқ. Жадйнинг биринчи куну декабрнинг йигирма



"Далв"нинг лугавий маъноси қовға, яъни қудуқдан сув чиқарадиган кўндан ишланган мешдир. Далв буржининг суврати қўлидаги идишдан сув тўқиб турган киши шаклида. Юсуф Хос Ҳожиб далв буржини кўнак деган. Русчаси "водолей", яъни "сувтўкар"дир.

кирди — амал кирди", "Асад — экиннинг яса", "Сунбулада сув тинади", "Сабази ва турп қавс сувини ичиши керак" деган ибора ва гаплар бор. Буларнинг маъносини яхши англаш учун қуйидаги маълумотга мурожаат этишимиз керак.

Мазкур ойлар табиий қуёш йилига мансуб бўлиб, унинг табиийлиги шундаки, табиятдаги қуёш билан боғлиқ бўлган фаслий ўзгаришлар ҳисобга олинган. Шунинг учун бу йил ҳисоби "фаслий" деб аталади. Фаслийда йил баҳорнинг биринчи кунидан бошланади ва қишнинг охиригиди куну билан

собланади ва у "Наврўз" деб аталади. Қуёш Наврўздан, яъни баҳорги эътидолдан бошлаб 31 кун, буржларнинг қадимги ўрнига кўра, ҳамал буржиде бўлади. Шунинг учун баҳорнинг биринчи ойи ҳамал ойи ёки қисқача ҳамал деб аталади. Бу ойда экин экиш ишлари амалий тус олгани сабабли "ҳамал кирди — амал кирди" деган ибора қўлланади. Ҳамалнинг биринчи куну мартнинг йигирма биринчисига тўғри келади.

Офтобнинг бир бурждан чиқиб, иккинчи буржга кириши "тахвил" дейилади. Навоий "Фарҳод ва Ширин" достониде:

иккинчи кунига тўғри келади. Жадйдан сўнг қишнинг иккинчи ойи — далв келади.

Шундан кейин ҳут бошланади. Унинг биринчи куну февралнинг йигирма учинчи кунига тўғри келади. Жадй, далв ва ҳут ойлари қиш фаслига оид. Қишнинг охиригиди ойи — ҳутда деҳқончиликка тайёргарлик бошланади. Бинобарин, "ҳут кирди" — деҳқоннинг ичига қурт кирди", дейилади. Чунки бу ойда деҳқонлар гап-гашталарни йиғиштириб, шовилнинг тарзда экин-тикин асбобларини тузатиб, уруғ, кўчатларни экишга ҳозирлай бошлайди.

Фаслий ойлар ҳозирги астрономия фанида "тропик йил", "астрономик баҳор" ва "астрономик куз" деб аталадиган табиий мавсумларни ўзиде аниқ акс эттиради.

Аммо бу ойларни бутунга астрономик ҳулосалар билан солиштирганимизда бурж билан шу бурж номига қўйилган ой ўртасиде иштироқ мавжудлигини кўрамиз. Ҳозирги астрономияда баҳорги тенгкунлик нуқтаси ҳамал буржиде эмас, ҳут буржиде деб кўрсатилади, лекин ҳарита ва жадвалларда бу нуқтага қадимгидек ҳамал белгиси қўйилади.

Баҳорги тенгкунлик нуқтаси эса, ҳозирги астрономияда мезон буржиде эмас, сунбула



буржиде деб кўрсатилади, лекин қоғозда бу нуқта қадимгидек мезон белгиси билан ифодаланади. Бу иштилофнинг сабабини билиш учун аввал "Бурж нима?" деган саволга жавоб бермоқ лозим.

Маълумки, ер қуррасини, яъни ер шарини осмон қураш олган. Ерни қурашган осмон ҳам шар шаклида тасаввур қилинади. Ерининг ўз ўқи ва қуёш атропоиде айланishi ҳамда оғиши натижасиде осмоннинг ва ундаги жисмларнинг ерга нисбатан ўрин ўзгартириши "кўринма ҳаракат" дейилади. Ерининг қуёш атропоиде йиллик ҳаракати қуёшнинг айланадан иборат йиллик кўринма ҳаракатини ҳосил қилади. Қуёшнинг мана шу айланма ҳаракат йўли "буржлар минтақаси", "буржлар фалаги" ёхуд "эклептика" деб аталади. Айланма тенг ўн иккига бўлганда ўттиз нуқтаси баҳор эътидолига тўғри келади. Мана шу ҳар бир бўлакни қуёш бир ойда босиб ўтади. Ҳар бир ой ҳадди ақал, яъни минимум йигирма етти кун ва ҳадди ақсар, яъни максимум ўттиз кундан иборат. Мана шу ҳар бир бўлак "бурж" дейилади ва ҳар бир бурж шу бурждаги юлдуз туркуми номи билан аталади. Юлдуз туркумларининг ҳар бири бирор нарса шаклида тасаввур қилингани учун "суврат" ёки "шакл" деб аталади. Бурж русча "знак зодиака" дейилади. Қадимги тилимизда бурж маъносиде "укак" деган сўз ҳам ишлатилган. "Бурж" ва "укак" сўзларининг ҳақиқий маъноси русча "башня" сўзининг маъносига тўғри келади. "Эклептика" сўзи эса "тутилиш" деган маънода бўлиб, қуёшнинг тутилиши унинг мазкур йиллида содир бўлгани учун буржлар минтақаси "эклептика" деб аталган.

Ҳамал буржидеги суврат, яъни юлдуз туркуми қўй шаклида тасаввур қилинган ва осмон атласларида шу шаклда берилган. Шунинг учун бу буржини "ҳамал" ёки "қўзи" деб атаганлар. Русчада "овец" бўлади. Ҳозир араблар "кабиш" ҳам дейди. "Кабш" кўчқор дегани.

Савр — ҳўкиз, буқа дегани. Савр буржининг суврати буқа шаклида. Қадимги туркийда "ул" ёки "уй" ҳам дейилган. "Уд" ва "уй" қорамол дегани. Навоий, Бобур ва бошқалар қорамол, яъни ситир, буқа ва ҳўкизининг умумий номи сифатида "уй" сўзини ишлатган. Саврнинг русчаси — "телец".

Жавзонинг суврати эгизак шаклида, лекин "жавзо" сўзининг лугавий маъноси бели оқора қўйдир. Бундай қўй қора қўйлар орасиде яхши ажралиб туради. Жавзо суврати ҳам бошқа сувратлардан аниқ ажралиб тургани учун шундай деб аталган. Жавзо яна тавъмон деб ҳам аталади. Тавъмон эгизак дегани. Русчаси близнецы, яъни эгизакдир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржини "эрандиз" деган.

Саратоннинг суврати қисқичбақа шаклида. Саратон ва унинг қадимги туркий номи "қўчқ" ҳамда русчаси "рак" ҳам қисқичбақа деган маънода.

Асаднинг суврати арслон шаклида. Асад ва унинг русчаси "лев" ҳам арслон дегани. Юсуф Хос Ҳожиб асад буржини "арслон" деб атаган.

Сунбуланинг суврати қўлига буғдой бошогиди ушлаб олган қиз шаклидадир. Сунбула буғдой бошогидир. Юсуф Хос Ҳожиб сунбула буржини "Буғдой бошогиди" деган. Русчаси "Дева" бўлиб, маъноси қиздир. Арабчада "Азро" деган сўз ҳам сунбула буржининг сувратига нисбатан ишлатилади. "Азро" ҳам қиз дегани.

Мезон — тарози дегани. Мезон буржининг суврати тарози шаклидадир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржини "улғу" деб атаган. Русчаси "веси" бўлиб, бу тарози деган маънода.

Ақраб — чаён дегани. Ақраб буржининг суврати чаён шаклидадир. Юсуф Хос Ҳожиб

Ақраб — чаён дегани. Ақраб буржининг суврати чаён шаклидадир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржни чазан, яъни чаён деган. Русчаси "скорпион" бўлиб, бу ҳам чаёндир.

бу буржни чазан, яъни чаён деган. Русчаси "скорпион" бўлиб, бу ҳам чаёндир.

Қавснинг суврати белидан қўй қисми от шаклидаги ва ёйдан ўқ отаётган одам. "Қавс" сўзининг лугавий маъноси ёйдир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржини "ё" деб атаган. Русчаси "стрелец" бўлиб, ўқ отувчи деган маънода. Арабчада "ромий" деган сўз ҳам ишлатилади. Бу ҳам "отувчи" деган маънони англатади.

"Жадй" сўзи эчкини билдиради. Жадй буржининг суврати белидан пастки қисми балиқ думидан иборат шохли эчки шаклидадир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржини "ўғлоқ" яъни улоқ деб атаган. Русчаси козерог бўлиб, эчкишох ёки эчки шохи деган маънони билдиради.

"Далв"нинг лугавий маъноси қовға, яъни қудуқдан сув чиқарадиган кўндан ишланган мешдир. Далв буржининг суврати қўлидаги идишдан сув тўқиб турган киши шаклида. Юсуф Хос Ҳожиб далв буржини кўнак деган. Русчаси "водолей", яъни "сувтўкар"дир.

Балиқнинг каттаси ёки кит "ҳут" дейилади. Ҳут буржининг суврати думлари бир-бирига тасма билан боғланган балиқлар шаклидадир. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржини "балик" деб атаган. Русчаси "рыбы", яъни балиқлардир.

"Шамсий" ёки "қуёш йили", "қамарий" ёки "ой йили", "тақвимий" ёки "календарь йили" деган атамалар ҳам бор. Агар йилнинг ой кунлари ер қуррасининг қуёш атропоиде бир марта айланиб чиқиши ёки кўринма ҳаракат нуқтаси назаридан ўн икки буржини айланиб чиқиши билан белгиланса, у "шамсий" ёки "қуёш йили", русча "солнечный год" деб аталади.

Агар йил давомати осмондаги ойнинг янгиланиши билан белгиланса, бундай йил "қамарий" ёки "ой йили", русча "лунный год" дейилади. "Тақвимий" ёки "календарь йили" деганда йилнинг тақвими, календарда, яъни қоғоздаги акси тушунилади. Календарнинг ўзи ҳам икки хил бўлади. Шамсий акс этган календарни "шамсий тақвим" ёки "қуёш календар", русча "солнечный календарь" деб, қамарий акс эттирилган календарни "қамарий тақвим" ёки "ой календар", русча "лунный календарь" деб атайдилар.

Ер қуёш атропоини уч юз олтимиш беш куну беш соат ва тахминан чорак кам қирқ тўққиз дақиқада айланиб чиқади. Демак, қуёш йили уч юз олтимиш беш куну беш соату чорак кам қирқ тўққиз дақиқага тенг экан. Календарда фақат кунларнинг сони акс эттирилади, соат ва дақиқалар акс эттирилмайди. Календарда йил 365 ёки 366 кунда туғайди. Календарь йили қуёш йилидан орқада қолиши, узаийб кетмаслиги учун тўрт йилда бир бор 366 кунлик қилиб тузилади. Қўшилган бир кун "кабиса" дейилади. Кабисали йил "кабиса йили" деб аталади, русчаси эса "високосный год" бўлади.

Ой йилига тузиладиган календарларда ҳам табиий ой йили аниқ акс этмайди. Чунки ой йигирма тўққиз куну ўн икки соату қирқ тўрт дақиқадан сал ортиқ вақтда янгиланади ва ой ўн икки марта янгиланганда уч юз элик тўрт куну салкам тўққиз соат вақт ўтади. Шундай қилиб ой календариде ҳам табиий ой йили аниқ акс этмас экан.

Табиийсидан қоғоздагисини фарқлаш учун "календар йили" деган термин вужудга келган. Наврўз ва умуман, фаслий ойларнинг боши ҳозирги календаримизнинг аниқ бир кунига тўғри келмаслигининг сабаби ҳам шунда. Наврўз, яъни ҳамалнинг биринчи куну календарнинг кабисали йилда тахминан мартнинг йигирма биринчи кунига, кабисасиз йилда эса, йигирма иккинчи кунига тўғри келади. Қолган ойлар ҳам шу хилда фарқ қилади.

Энди "тропик йил" ва "бессель йили" деган терминларга ҳам изох берайлик. Ҳозирги астрономияда фасл ҳисобга олинган қуёш йили "тропик йил" деб аталади ва бу мазмунан "фаслий йил" терминига тўғри келади. Бессель йили Григорий календарига мослаштирилган суный қуёш йилининг биринчи куну декабрнинг ўттиз биринчи ёки январнинг биринчи кунига тўғри келади. Бессель йили астрономияда осмон жисмларининг ҳаракат ва ўрини белгилашда ишлатилади.

Григорий календари халқаро миқёсда қўллангани учун Бессель йилининг амалий қўлайлиги бор.

Энди нима учун қадимги астрономияда баҳорги эътидол нуқтаси ҳамал буржиде, кузгиси эса мезон буржиде деб кўрсатилган, аммо ҳозирги астрономик маълумотларга кўра баҳорги тенгкунлик нуқтаси ҳут буржиде, кузгиси эса сунбула буржиде деб кўрсатилади деган саволга жавоб беришимиз керак. Агар бунинг сабабини айтмасак, қадимги олимлар хатога йўл қўйган деган хулосага келиш ҳам мумкин. Ҳолбуки, ҳато қилинган эмас. Ерга нисбатан буржларнинг ўрни бир оз ўзгарган. Шунинг учун қадимги вақтда ҳамал буржиде кузатиладиган нуқта ҳозир ҳутда, мезондаси сунбулада кузатилади. Бу силжшининг сабаблари шундай. Сайёраларга нисбатан собита, яъни турғун юлдуз деб аталадиган юлдузлар ҳам аслида ҳаракатга эга юлдузлардир. Буну Абу Райҳон Беруний ҳам таъкидлаб ўтган. У турғун юлдузларнинг ҳаракати сезиларсиз даражададир, дейди.

Буржларнинг ерга нисбатан силжшининг ҳозир астрономияда ҳисоблаб аниқланган сабаби шунки, ерининг ўз ўқи атропоиде текис айланмасдан тебраниб айланиши ва ўз ўқини ўзгартириши натижасиде осмонга нисбатан силжши тўғри беради. Натижада тенгкунлик нуқталари ҳам буржлар доирасиде қуёшнинг йиллик ҳаракатига қарши йўналишда илгарилариде боради. Бу "прецессия", яъни илгарилариде деб аталади. Ўз ўқи атропоиде айланаётган жисмнинг тебраниши ҳозирги илмда "нутация" дейилади. Аммо биологияда "нутация" сўзи бир оз бошқача маъно касб этган. Ерининг нутақиди даври ўн саккиз ўндан олти йилга тенг, процессия даври эса 26000 йилга тенг. Бу тенгкунлик нуқталари буржлар доирасини 26000 йилда бир марта айланиб чиқади, деган сўз. Бир буржни эса 2166 йилдан сал ортиқроқ муддатда босиб ўтади. Шу ҳисобга биноан, баҳорги ва кузги эътидол нуқталари бир йилда бурж минтақасиде қуёшга қарама-қарши йўналишда тахминан беш секунд илгарилариди. Бултур астрономияда, ерининг йиллик даври олдинги йилларга нисбатан бир секунд узокроқ бўлган деган гап бўлди. Бу ҳолда мазкур силжши масофаси ҳам камроқ бўлган бўлади.

Шундай қилиб, собитларнинг, яъни турғун юлдузларнинг хусусий ҳаракати ва ер қуррасининг нотекислиги, қуёш ва ойнинг таъсири натижасиде бўладиган нутақия ва прецессиялар туфайли буржларнинг вазияти кўринма ҳаракатда ерга нисбатан ўзгарган экан. Шунинг учун ҳозир баҳорги эътидол ҳамалда эмас, ҳутда содир бўлар экан. Лекин қоғозда баҳорги эътидол нуқтаси илгаригидек ҳамал аломати билан белгиланади. Кузги эътидол эса ҳозир сунбулада ўз берса ҳам, анъанга кўра, мезон белгиси билан ифодаланади.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
академик



ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛФИБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока"
газеталари тахририяти ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказиде саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146.
34685 нускада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозидинов
Мусаххис: Акбар Қаршиев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 21:00 Топширилди — 23:40